

# Mustahkam oila – yurt tayanchi

# OILA DAVRASIDA

№ 27

(477)

2021-yil

1-iyul

payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqq boshlagan.

## “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ”

### Ўзбекистон келажагини ўзгартира оладими?



6-бет.

## ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИ БИРЛАШТИРГАН ФОРУМ

30 июнь – Ёшлар куни. Янги Ўзбекистонда келажакимиз бунёдкорлари бўлмиш ёш авлодни қўллаб-қувватлаш мақсадида эълон қилинган байрам.



Бундан роппа-роса тўрт йил муқаддам 30 июнь куни Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар ҳаракати курултойида қатнашиб, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилган кун – 30 июнь санасини мамлакатимизда Ёшлар куни, деб эълон қилишни таклиф этган эди. Шундан буён ушбу сана юртимизда катта байрам сифатида нишонлаб келинмоқда.

Ёшлар куни муносабати билан жорий йилда Тошкент Ботаника боғида «Учинчи Ренессанс бунёдкорлари» шиори остида Ўзбекистон

ёшлари ва талабалари форуми ташкил этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 30 июнь куни Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форумига ташриф буюрди, дея хабар берди ЎЗА.

Форум ўтаётган Ботаника боғи байрамонга безатилган. Ёшларнинг илм-фан, технологиялар, адабиёт, санъат каби соҳаларда эришаётган натижаларини акс эттирувчи кўргазма ва намойишлар ташкил қилинган.

(Давоми 3-бетда)

## ОИЛА ВА ТАБИАТ

Газетамиз янги концепциясининг бош гоёси

«Оила даврасида» газетасининг асосий йўналиши экология мавзусига ўзгартирилмоқда. Газета Ўзбекистон Экологик партиясининг дастурий гоёларини кенг жамоатчиликка етказувчи бош нашр бўлади.



Мана қарийб ўн йилдан буён «Оила даврасида» газетаси сизнинг қўлингизга етиб бормоқда. Шу вақт давомида газета миллионлаб хонадонларга кирди, аҳоли кенг қатлами орасидан ўзининг доимий ўқувчиларини топди.

Шу билан бирга, газета ўз фаолиятида эришилган мавжуд ижобий натижалар билан тўхтаб қолгани йўқ. Таҳририят яна янгидан-янги, муҳим ва долзарб, халқимиз иродасини ифода этувчи бир-бирдан эътиборли мавзуларни тақдим этиш хусусида мунтазам изланмоқда.

Сўнги пайтларда инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар, атроф табиий мувозанатининг аҳамияти тобора долзарблик касб этмоқда. Она табиатни, унинг ҳар бир узвини қўз қорачигидек асраш масаласи ҳаммани бирдек ўйлантираётгани бор гап. Бунга ўз вақтида огоҳ ва ҳушёр ёндашилмаса, ҳаётимизда хатарли оқибатлар кузатилиши ҳам шубҳасиз. Уларни ижобий ҳал этиш, амалий ечим топиш, чин дилдан англаб етиш каби муҳим вазифалар аввало оила муҳитидан бошланиши ҳар жиҳатдан тўғри бўлади.

Эндиликда экология, табиат ва инсон муносабатларига фақат айрим масъул ташкилотларнинг вазифаси сифатида эмас, ҳар биримизнинг виждоний бурчимиз деган қарашни шакллантиришга катта эҳтиёж бор.

Шуларни мулоҳаза қилган «Оила даврасида» газетаси таҳририяти жамоаси келгусидаги фаолиятида мазкур мавзуларни тизимли ёритиб бориш, уларга жамоатчилик эътиборини қаратиш, ечимини кутаётган муаммоларни матбуотга олиб чиқиш орқали ижобий ҳал этилишига кўмаклашиш, энг муҳими, инсон ва жонли табиат масалаларида ўзаро ҳурмат ва оқилонга йўл тутилишига ёрдамлашиш каби ўнлаб йўналишларда мунтазам равишда материаллар бериб боришни режалаштирмоқда.

**Бу борада газета мамлакатимиздаги етакчи сиёсий куч – Ўзбекистон Экологик партияси билан ҳамкор ва ҳамфикр тарзда фаолият олиб боради. Газетамиз партиянинг дастурий гоёларини кенг жамоатчиликка етказувчи асосий нашрга, партиянинг жамият олдида айтмоқчи бўлган сўзи учун бош минбарга айланади.**

Эндиликда газетамиз саҳифаларида ёритиладиган мавзулар мундарижаси ҳамда кўламадан келиб чиққан ҳолда **нашрнинг номи ҳам бироз ўзгартирилиши** кўзда тутиляпти.

Албатта, сеvimли газетангиз фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида билдирадиган ҳар қандай таклиф ва мулоҳазаларингиз биз учун қадрли. Шулардан келиб чиққан ҳолда, газетамизнинг келгусидаги фаолиятида сиз муҳтарам муштарийларнинг фикр-мулоҳаза, таклиф ва тавсияларингиз биз учун эътиборли эканини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчимиз. Таклифларингизни кутамиз!

Таҳририят

## ЭКОЛОГИЯ ВА ТОЗА ҲУДУД

УЧУН АЖРАТИЛГАН МАБЛАҒЛАР КИМНИНГ ЧЎНТАГИГА ҚАРАБ «ОҚМОҚДА?»



8-бет.

## ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИ



(Бошланғич 1-бета)

Давлатимиз раҳбари ушбу кўргазмалар бўйлаб юриб, ёшларнинг ихтиролари, маҳорати, бадий чиқишларини кўздан кечирди. Улар билан суҳбатлашиб, ўқиш ва изланишларига муваффақиятлар тилади.

Президент байрам тадбири майдонига келиб, барча йигит-қизларни 30 июнь – Ёшлар куни билан табриклади.

Мамлакатимизда ёшлар таълим-тарбияси, ҳуқуқ ва манфаатларига устувор аҳамият қаратилмоқда. Бу борада алоҳида давлат ташкилоти – Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилган. Бундан ташқари, Ёшлар иттифоқи, унинг ҳузурда ўттиздан ортиқ нодавлат ташкилотлар фаолият юритмоқда. Барча шаҳар ва туманларда «Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури, турли соҳаларни қамраб олган «Беш ташаббус» амалга оширилмоқда.

### Жорий йил мамлакатимизда Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили, деб эълон қилингани ҳам ёшларга эътиборнинг ёрқин ифодаси.

Президентимизнинг ёшларга оид сиёсатида иккита энг муҳим йўналиш бор: биринчиси – уларга замонавий билим бериш, иккинчиси – ёшлар бандлигини таъминлаш. Кейинги йиллардаги ислохотлар, ташаббус ва янги тизимлар замирида ана шу мақсад мужассам.

Хусусан, ёшларнинг билим ва иқтидорини ривожлантириш мақсадида янгича шакл ва мазмундаги Президент мактаблари, ижод ва ихтисослашган мактаблар тизими яратилди. Умуман, барча мактабларга эътибор, ўқитувчиларга рағбат ва ҳурмат ошди. Ёш

авлодда билимга интилиш кучайди.

Ўтган бир йилда билимли ва зукко ёшларимиз халқаро фан олимпиадаларида 4 та олтин, 18 та кумуш ва 29 та бронза медалларини қўлга киритишди. Жорий йилда Президент мактабларини тамомлаган 96 нафар ўқувчиларнинг барчаси муддатидан аввал нуфузли хорижий олийгоҳларга грант асосида ўқишга кирди.

Ўсиб келаётган билимга чанқок ёшларнинг талабига мос равишда олий таълим муассасалари сони 127 тага етказилди, 26 та хорижий университетларнинг филиаллари очилди. Охирги 5 йилда олий таълимга қабул квотаси 3 баробар оширилиб, жорий йилда 182 мингга етказилди. Бу – умумий қамров 28 фоиз бўлади, деганидир. 4 йил илгари бу кўрсаткич атиги 9 фоиз эди.

### Шавкат МИРЗИЁЕВ:

Ёш кадрларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва тарбиялашга қаратилган сиёсатимизни қатъий давом эттирамиз.

Бунинг учун, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ҳар йили ҳоким, вазир, идора ва банк раҳбарлигига камида 2 нафардан ёш номзодлар захирасини тасдиқлайдилар.

Жорий йилдан бошлаб бундай иқтидорли ёшларимиз «Эл-юрт умиди» жамғармаси маблағлари ҳисобидан чет элларда стажировка ўтайди.

Шунингдек, халқаро нуфузли рейтингларда мингталикка кирган олийгоҳни тугатган ва чет элда илмий иш қилган ёш мутахассисларга қўшимча ҳақ тўланади.

### Шавкат МИРЗИЁЕВ:

Иқтидорли ёшлар орасидан янги авлод захира кадрлари – «Келажак лидерлари»ни шакллантирамиз.

Шу билан бирга, қўллаб-қувватлаш иқтидорли ўғил-қизларимиз хориждаги нуфузли олийгоҳларда ўқимокда, илм-фан билан шуғулланмоқда, йирик ва етакчи компанияларда иш олиб бормоқда.

Биз ана шундай юксак билим ва малакага эга ёшларимизни Ватанимизга келиб ишлаши учун барча шароитларни яратиб берамиз.

Уларни раҳбарлик лавозимларига асосий номзод сифатида белгилаш, уй-жой ажраттиш, муносиб маош тўлаш бўйича янги тизимни жорий этамиз.

Давлат грантлари 21 мингтадан 47 мингтага кўпайтирилгани, эҳтиёжманд оилаларга мансуб 2 минг нафар қизларга олий ўқув юртига кириш учун алоҳида грантлар ажратилгани минглаб оилаларга қувонч олиб кирди.

Бу йил яна бир олий таълим маскани – «Янги Ўзбекистон» университети ташкил этилди. Янги ўқув йилида унга 300 нафар ёшлар қабул қилинади.

Бандлик масаласини олсак ҳам, ёшларга эътибор ва ғамхўрлик асосий ўринга кўтарилганини кўриш мумкин. Сўнги 4 йилда 30 ёшгача бўлган тадбиркорлар сони 5 баробар кўпайиб, улар 500 мингдан ошгани бунинг яққол далилидир.

Амалий ишлар натижасида ўтган 8 ой мобайнида «ёшлар дафтари»га кирган 430 минг нафар йигит-қизнинг муаммоларини ҳал этиш учун 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Жумладан, «темир дафтар»даги оилалар фарзандлари бўлган 2 мингдан зиёд талабаларнинг контракт пули тўлаб берилди.

Бу йилдан бошлаб, иш берувчиларга уларнинг 25 ёшдан ошмаган ишчи-хондимилари учун ҳисобланган ижтимоий солиқ суммасини бюджетдан тўлиқ қайтариб бериш тартиби жорий қилинди. Шунингдек, касб-хунар мактаби ва техникумлар ўқувчиларига корхоналарда амалиёт ўтаган даври учун 6 ой давомида 500 минг сўмдан субсидия бериш жорий этилгани ёшлар ва уларнинг ота-оналари учун катта рағбат бўлди.

Бу йил 92 мингдан зиёд ўғил-қизларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 2 триллион 300 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Худудларда ташкил этилган 186 та Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналаридаги 3 мингта лойиҳа доирасида 50 мингта янги иш ўрни яратилди.

### Шавкат МИРЗИЁЕВ:

Эндиги муҳим вазифамиз – мана шундай фарзандларимиз орасидан янги авлод Берунийларини, Ибн Сино ва Улугбекларини, Хоразмий ва Фарғонийларини тарбиялаб, вояга етказишдан иборат.

Бу йўналишда «Беруний издошлари», «Мирзо Улугбек ворислари», «Алишер Навоий давомчилари» каби кўрик-танловлар ўтказиб, ғолибларни рағбатлантириш тизими йўлга қўйилади.



### Шавкат МИРЗИЁЕВ:

Сиёсий етук ва фаол ёш йигит-қизларимизни миллий парламентимиз ва маҳаллий кенгашлар фаолиятига янада кенроқ жалб этамиз.

Халқ депутатлари кенгашлари тавсияси асосида ёш, гайратли, фидойи ўғил-қизларимиз бундан буён Олий Мажлис депутати ва сенаторларига бириктирилади.

Шу билан бирга маҳаллий кенгашларда ҳам худди Сенат ва Қонунчилик палатасидаги каби ёшлар парламенти вакиллари мактаби ташкил этилади.

# БИРЛАШТИРГАН ФОРУМ

(Бошланиши 1-бетда)

## «Яшил ташаббус»нинг инновацион йўлаги

Форум ўтказилаётган худудга кирар эканмиз IT-Park махсус бурчаги, Халқ таълими вазирлиги бурчаги, «Билимдонлар беллашуви мнемоника» йўлаги, «Билимларни баҳолаш худуди» каторида Ўзбекистон Экологик партияси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Яшил ташаббус» йўлаги аксарият ёшларнинг алоҳида эътиборини тортаётганига гувоҳ бўлдик.

«Яшил ташаббус» лойиҳаси доирасида энг сўнгги технологиялар ўрин олган кўрғазма ёшларнинг алоҳида кизиқишига сазовор бўлди.

Йўлак бошланишида «Flowers Garden» (гулар боғи) кичик кўрғазмаси жой олган бўлиб, бу ерда ўзига хос, ноёб хонаки ўсимликлар билан танишиш имконияти яратилди.

## Дронлар ёрдамида эконзорат

Кўрғазмага қўйилган кичик «темирканот» табиатни асрашда катта ишларни амалга оширар экан. Бу ҳақда Экология қўмитасининг ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими бош мутахассиси Азамат Отабеков батафсил маълумот берди.

– Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилишида инсон назорат қила олмайдиган экстримал, тоғли худуд ва ўрмонларни мониторинг қилишида дронларнинг хизмати катта, – дейди Азамат Отабеков. – Бир неча минг километр юқори тоғли худудларда дарахтлар ва ҳайвонлар популяцияси қай даражадалигини аниқлаш, дарахтлар сони ҳамда ёшини ҳисоблашда дронлардан фойдаланамиз. Аввалига DJI Phantom 4PRO дрони тажриба сифатида татбиқ қилинди. Дрон максимал даражада ўз кўрсаткичларини берган бўлса-да, бу етарли эмасди. Шундан сўнг, Россия федерациясидан ЭР54 учувчисиз аппарати (конвертоплан) олиб келинди. Аппарат 300 км. радиусни кузатиш имконига эга бўлиб, 5000 метр балангликкача кўтарилади. Ундан олинган тасвирларни ўрнатилган махсус программа ёрдамида 3D моделини чиқариш мумкин. Бу автоматик равишда ишлайди ва худудда мавжуд дарахтларнинг ёши, диаметри, қандай турга мансублиги, дарахтнинг кесилган ёки кесилмаганини аниқлаб беради.

Учувчисиз қурилманинг ёшилғиси 3-4 соатлик парвоз учун бемалол етади. Бу муддатда керакли худуддаги камчи-

ликлар, яхши ва ёмон томонга ўзгаришлар, чўллашаётган худудларни белгилаб олиш мумкин. Аэрофотосёмка қилинган маълумотлар серверга келиб тушади ва шу ерда сақланади. Бу эса йиллик маълумотларни олиш ҳамда солиштиришда ишни осонлаштиради.

Қурилмани Оролбўйи худудларида ишлатиш орқали эса чанг қаерда кўп кўтарилаётганини аниқлаб, ўша жойга саксовуллар экиш ва экологик ҳолатни яхшилашга эришиш мумкин.

## Сувни тежашнинг инновацион усули

Қишлоқ хўжалигидаги аксарият инновацион технологиялар муаллифлари ёшлар ҳисобланади. Очиғи, ясалган махсус макетлар кўрғазмаси орқали қишлоқ хўжалигида қандай қилиб яхши натижага эришиш мумкинлиги ҳақида ажойиб тасаввурга эга бўлдик.

Томчилатиб суғориш лойиҳаси кичик сув ҳавзаси (бассейн) ёрдамида амалга оширилиши жуда қизиқ. Айниқса, насос ёрдамида сувни тортиб, қачон ва қай

моқда. Ирригация тизимлари бўйича уч худудда ана шундай технология орқали экинлар экилмоқда. Пурқаб суғориш ва ер остидан суғориш усуллари ҳам йўлга қўйилган бўлиб, натижалар ҳосил йиғим-терими вақтида маълум бўлади.

## Ҳайдовчисиз «смарт трактор»

Шу қатори яна бир қанча янги лойиҳалар билан танишдик. Жумладан, томчилатиб суғоришда ўсимликни суғориш вақти келганини аниқлашда «смарт риф» лойиҳаси намликни ўлчаб беради. Бунинг учун ҳар бир километрга биттадан датчиг ўрнатилади. Датчиг намлик етарли бўлганида насосга ўчиш, суғориш зарур ҳолатда эса ёниш ҳақида сигнал юборади. Шу тарика насос автоматик равишда ўчиб-ёнади.

«Смарт трактор» ихтирочисини ҳам ёшлар курсовида учратдик.

– Мазкур трактор бугдой ва бошқа уруғликни экишда уруғни тежашга ёрдам беради,



– дейди Ирригация институтининг «Гидролидер» номли ёш ва иқтидорли талабалар жамоаси вакили Бобуржон НАРЗУЛЛАЕВ. – Гап шундаки, ундаги ақлли қопқоқ трактор белгиланган майдон охирига етиб, қайрида бошлаганида автоматик равишда ёшлади. Ҳаракатдаги ўзгаришни сезиш орқали кераксиз жойга уруғ сочишдан сақланади. «Смарт трактор»ни бошқаришда ҳайдовчи шарт эмас. У автоматик равишда бошқарилади ва инсон омилини камайтиради.

Албатта, ушбу трактор ҳали амалиётга татбиқ этилгани йўқ. Эҳтимол, ихтиро яқин йилларда қишлоқ хўжалигига кириб борса



уруғ ҳам, унга сарфланадиган маблағ ҳам анча тежалиши аниқ.

## Кичик метиостанция

«Яшил ташаббус» йўлагидан ана шундай кўплаб қизиқарли ихтиролар, ғоялар гувоҳи бўлдик. Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти томонидан кўрғазмага қўйилган турли навдаги мевалар, «Бизнинг миллий биоҳавфсизлигимиз» бурчаги кабиларни томоша қилиб таассуротларимиз янада ортди. Айниқса, Гидрометрология маркази ташкил қилган кичик метиостанция лойиҳаси бу соҳада қилинаётган ишлар самарасини кўрсатиб берди.

– Кичик метиостанция кўчадаги камералар ёнига ўрнатилади ва шамол йўналиши ҳамда тезлигини ўлчаб беради, – дейди Иқтисодий тармоқларини гидрометриологик таъминот бўлими бошлиғи Ҳасанбек Акбаров. – Шунингдек, ҳаво ҳарорати, нисбий намлиги ва атмосфера босими бўйича маълумотлар кузатиб борилади. Маълумотлар «Метиомониторинг платформаси»га узатилади. Ҳозирда республикамиз бўйича 50 та автоматлаштирилган метиостанция мавжуд бўлиб, барчасида олти параметр бўйича кузатишлар олиб борилмоқда. Булар: ҳаво ҳарорати, ҳаво намлиги, шамол йўналиши, ёгингарчилик миқдори ва атмосфера босими. Бу ердан айни вақтдаги ва 10 дақиқа ичидаги маълумотлар берилади ва уларнинг таҳлили олиб борилади. Таҳлиллар натижасига қараб об-ҳаво маълумотини олдиндан айтиш (прогнослаш) мумкин бўлади.

Очиғи, илгари бериладиган об-ҳаво маълумоти мутлақо ишонмасдим. Аммо жараён махсус платформада қандай назорат қилинишини кузатиб, бу шубҳам бутунлай тарқади.

## «Яшил ташаббус» – энг гавжуми бўлди

Ёшлар ва талабалар форуми доирасида ўтказилаётган

«Яшил ташаббус» лойиҳасидаги викториналар айниқса қизиқарли кечди. «Яшил ташаббус» йўлаги энг гавжум йўлак бўлгани ҳам ёшларнинг табиат ва атроф муҳитга катта қизиқишидан дарак беради.

– Ота-боболаримиз ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш кабилар, деб бежиз айтмаган. Бугун мактабда ва институтда олган билимларимни айни шу викторина орқали синовдан ўтказаялман, – дейди хатирчилик ёш тadbиркор Фаррух Мустафоев. – Экология соҳасига азалдан қизиққанам сабаб, бу соҳага оид саволларни топишда қийналганим йўқ.

– Викторинада менга қор қоплони лойиҳаси бўйича савол тушиди, – дейди Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети талабаси Обиджон Қобилов. – Гарчи бу саволга жавоб тополмаган бўлсам-да, қор қоплони лойиҳаси бўйича кўп маълумотга эга бўлдим. Шунин билдимки, 2017-2022 йилларда Фарбий Тянь-Шань ва Помир-Олой тоғларининг Ўзбекистон худудидаги қисмида қор қоплони ландшафтларини сақлаш бўйича лойиҳа ишга туширилган бўлиб, лойиҳага биноан, тоғларда қор қоплонининг яшаш жойларини табиий ҳолатда сақлаш бўйича чоралар кўрилатган экан.

Ана шундай қизиқарли суҳбатлар, а ж о й и б кўрғазмаларни томоша қилиб форумга келганимга афсусландим. Аксинча, билмаган, билишни истаган саволларимга жавоб топдим. Табиат қўйнида сайр қилиб, атроф муҳит гўзаллигидан баҳра олдим.

Ёшлар форуми доирасида ўтказилган «Яшил ташаббус» акциясида ғолиб бўлган бир гуруҳ талаба-ёшларга Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Н.Обломуродов партиянинг эсдалик совғаларини топширди.

Ноилахон АҲАДОВА,  
журналист



# АЛИОВУЛ ОБОД БЎЛЯПТИ



Сўнгги йилларда юртимиздаги ҳар бир маҳаллада бошланган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари бизнинг Оролбўйи ҳудудларида ҳам кенг кўламда давом этмоқда. Амалга оширилаётган янги-янги лойиҳалар тўғрисида овулларимизга, сувсиз қолган чўлларимизга янги нафас кириб келмоқда, бу ҳудудлар яшилликка инмоқда.

Хусусан, денгизнинг қуриб қолган ҳудудида саксовул ва бошқа шўрга чидамли ўсимликлардан иборат ўрмонзорлар барпо этилаётгани, Оролбўйи аҳолисининг муносиб турмуш шароитларини яхшилаш бора-сидаги ишлар шулар жумласидан.

Бир пайтлар гавжум порт бўлган Мўйноқдан ҳозир денгиз юзлаб километр олислаб кетгани айни ҳақиқатдир. Ту-

мандаги Алиовул қишлоғи марказдан 80 километр узоқликда жойлашган бўлиб, бу ерда уч мингга яқин аҳоли истикомат қилади. Алиовулда яшаётган фуқароларнинг муносиб турмуш шароитларини яхшилаш, овул аҳолисининг бандлигини таъминлаш, шунингдек, му-



носиб инфратузилмани барпо этиш мақсадида бу ерда «Обод қишлоқ» дастури амалга оширилмоқда. Бунёдкорлик ишларига эса Ўзбекистон Экологик партияси ҳам камарбаста бўлиб турибди.

Ўзбекистон Экологик партияси томонидан Мўйноқ туманининг Алиовул қишлоғини обод қилиш мақсадида шу йилнинг 15-16 июнь кун-

лари ушбу ҳудудга сафар уюштирилиб, қурилишларнинг биринчи ғишти қўйилди. Тадбирда Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Н.Обломуродов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Мўйноқ тумани ҳокимлиги, қорақалпоғистонлик ва хоразмлик табиатсеварлар иштирок этишди.

– Телевизорда «Обод қишлоқ» дастури асосида обод бўлаётган қишлоқ ва овуллар-

ни ҳавас билан кузатиб, кун келиб, бизнинг Алиовулда улкан ҳажмдаги ободонлаштириш ишларининг олиб борилиши ҳаёлимга ҳам келмаганди, – дейди овул оқсоқоли Мажид Шерниязов. – Бу каби ишларда овулимизнинг ёшу қариси дастурнинг амалга оширилишига ўз хиссасини қўшишга бел боғлаган.

Бир сўз билан айтганда, Алиовулда ободонлаштириш ишлари қизгин паллага кирди. Шунингдек, мазкур овулда Нукус шаҳри ва Мўйноқ тумани марказидан келган бир гуруҳ шифокорлар овул аҳлини тиббий кўриқдан ўтказмоқда. Ма-лакали мутахассислар чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар давомида аҳолини УТТ, ЭКГ текширувларидан ўтказиб, мобиль лабораторияда қон таҳлили билан бир неча сонияда танишиш имконига эга бўлмоқда.

Бундан ташқари Алиовулда «мобиль давлат хизматлари» автобусида юздан зиёд давлат хизматлари тақдим этилмоқда.

Қайд этиш керакки, чекка овул аҳолиси олиб борилаётган бу каби ишлардан жуда миннатдор.

**Бердах ЖИЕНБАЕВ,**  
Экологик партиянинг  
Қорақалпоғистон  
Республикаси Кенгаши бош  
мутахассиси

## ТАДБИРКОР ДУЧ КЕЛАЁТГАН МУАММО



**Бунга барҳам беришнинг биринчи шарт – ўз ҳуқуқини билиш ва талаб қилиш**



Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, зарур шарт-шароитларни яратиш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ҳар бир тадбиркор эмин-эркин фаолият юритиши учун шарт-шароит ҳам, ҳуқуқий асослар ҳам яратиб берилган. Аммо баъзида мана шу имкониятларни суиистеъмол қилиш, ўз ҳуқуқларини билмаслик ҳолатлари тадбиркорлар фаолиятига сунъий тўсиқлар қўймоқда.

Тадбиркорлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш масаласига давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида эътибор қаратилиб, жорий йилнинг ўзида тадбиркорликни янада ривожлантириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, хизматлар кўрсатиш соҳасидаги имкониятлардан кенг фойдаланиш борасида бир неча бор муҳокамалар ўтказилди. Йўл қўйилаётган камчиликлар таҳлил этилиб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Тадбиркорларнинг муаммоларини ўрганиш ҳамда ечимини топиш бугунги кунда ҳукуматимиз, вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимият идораларининг кунлик вазифаси қилиб белгиланган. Жорий йилнинг ўзида вилоят бўйича ташкил этилган учрашувларда 3 мингдан ортиқ тадбиркорлар муаммолари ва таклифлари тингланиб, тегишли ечим ва тавсиялар берилди.

Масалан, жорий йилнинг 27 апрель куни Гулистон шаҳридаги «Ёшлар маркази» биносидан ўтказилган тадбиркорлар қабулида 232 нафар тадбиркорлик субъекти иштирок этиб, улар томонидан кўтарилган жами 278 та, шу жумладан, 104 та компенсация тўловлари, 65 та кредит ажратиш, 30 та ер ва бино ажратилиши, 18 та инфратузилмани яхшилаш, 10 та солиқ ва 9 та рухсат бериш масалалари ҳамда 43 та бошқа соҳалардаги масалалар кўтарилиб, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан кўриб чиқилди.

Тадбиркорлик субъектларига яратилаётган қулай шароитлар натижасида, жорий йилда вилоятда жами 362 та умумий қиймати 5,7 трлн. сўмлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши ҳамда 12,6 мингта янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган. Ўтган йилга нисбатан лойиҳалар қиймати 3,8 трлн. сўмга ва иш ўринлари 3,7

мингтага кўпдир. Хусусан, банк кредитлари ажратилиши қарийб 2 баробарга (767 млрд. сўм) ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш 16 баробарга (97 млн. доллар) ошиши кутилмоқда.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили девони Сирдарё вилоятидаги ходимлари томонидан ҳам тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда. Йил бошидан буён тадбиркорларнинг 105 та мурожаати кўриб чиқилиб, 50 таси тўлиқ қаноатлантирилди ҳамда 55 таси бўйича тушунтиришлар берилган бўлса, уларнинг ҳуқуқларини тиклаш мақсадида давлат идораларига 18 та тақдимнома юборилди. Натижада 28 нафар масъул ходимга нисбатан маъмурий баённомалар тузилди ҳамда 6 та ҳолатда тадбиркорлар манфаатларида судларга даъво аризалари киритилиб, тўлиқ қаноатлантирилди.

Амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида тадбиркорларга 478,1 га ер майдонлари қайтариб берилди, 466,2 млн. сўм миқдорда компенсация тўловлари ундирилди ва 98,2 млн. сўмлик ортиқча ундирилган солиқлари қайтарилди.

**Тадбиркорлар ҳуқуқини бузган 28 нафар масъул ходимга чора кўрилди, 6 ҳолатда судларга даъво аризалари киритилди.**

Юқоридаги рақамлар ишимизни тўлақонли ёритиш учун етарли эмас, албатта. Чунки тадбиркорлик субъектларининг фаолиятида юқорида таъкидланганидек, ҳали анчагина муаммолар, ечилиши зарур бўлган масалалар бор ва бу борада ишларни албатта, кучайтириш зарур. Асосий мақсадимиз, вилоятимизда маҳаллий ҳокимликлар, тегишли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаб, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга ўз хиссамизни қўшиш, шунингдек тадбиркорлик субъектларига тегишли ҳуқуқий маслаҳатлар бериш ҳамда мурожаатларини тўлақонли кўриб чиқиб, мавжуд муаммоларни ижобий ҳал қилиш орқали улар ишончини қозонишидир.

**Нодир НАМОЗОВ,**  
Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони Сирдарё вилояти бўйича бош инспектори



# ҚАРОВСИЗ АҲВОЛДА ҚОЛГАН БОҒ

Масъуллар бунга нима дейди?

Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши, партиянинг Тошкент шаҳар ҳамда Олмазор туман ташкилотлари масъуллари, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича инспекторлар, халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман кенгаши депутатлари, ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли вакиллари иштирокида пойтахтимизнинг Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғининг бугунги кундаги ҳолатини ўрганиш мақсадида экологик рейд ўтказилди.



Рейд давомида мазкур боғнинг қаровсиз аҳволдалиги, бу ердаги аксарият манзарали дарахт ва ўсимликлар ўз вақтида суғорилмагани оқибатида қуриб қолгани, бу жараён бошқа дарахт турларида ҳам бошланаётгани, янада ачинарлиси яқин йиллар давомида ўз кўрки ва чиройи билан кўпчиликини ўзига жалб қилган мазкур боғ бугунга келиб, ёнғин келиб чиқиши мумкин бўлган чиқиндиҳонага айланган.

Боғдаги бундай ҳолатнинг янада ачинарли тус олишига яқинда ушбу ҳудуддаги автомобилларни вақтинча сақлаш майдонида

содир бўлган ёнғин ҳам сабаб бўлган.

Экологик рейднинг натижаси бўйича шу ернинг ўзида масъуллар иштирокида баённома расмийлаштирилди.

Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғининг инвесторларга тақсимлаб берилган қисмларида дарахтларнинг қуриб қолиши ва чиқиндилар билан тўлиб бораётгани бўйича расмий огоҳлантириш хати ва қонуний тартибда чора кўрилишини Ўзбекистон Экологик партияси катъий талаб қилади ва назоратга олади.

## КЎЧИРИБ ЎТКАЗИЛГАН ДАРАХТЛАР ТАҚДИРИ

Бу амалиёт ўзини оқлаяптими?

Пойтахтимизнинг Яшнобод тумани Алимкент кўчасидаги кўчириб ўтказилган дарахтлар ҳолати юзасидан Ўзбекистон Экологик партияси томонидан рейд ўтказилди.

Рейдга Тошкент шаҳар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, Яшнобод туман ободонлаштириш бошқармаси вакиллари ҳамда Академик Ф.Н. Русанов номидаги Тошкент ботаника боғи мутахассиси жалб этилди.

Ўрганиш давомида маълум бўлишича, Фарғона йўли кўчасининг кенгайиши муносабати билан йўл юзидаги дарахтлар Алимкент кўчасига Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг ҳулосаси ҳамда туман ҳокимлигининг қарори билан кўчириб ўтказилган. Ушбу дарахтларнинг кейинги ҳолати учун масъуллик Яшнобод туман ободонлаштириш бошқармаси зиммасига юклатилган.

Аммо кўчириб ўтказилган дарахтлар ўз вақтида суғорилмагани эса жамоатчиликнинг эътирозига сабаб бўлмоқда.

– Яшнобод тумани Алимкент кўчасида кўчириб экилган дарахтларни кўриб айтишим мумкинки, кўчирилган бу дарахтларнинг кўпи катта ёшда. Катта ёшдаги дарахтларни эса кўчириш мумкин эмас, – дейди Тошкент Ботаника боғи бўлим бошлиғи Атиргул Холмирова. – Дарахтларнинг илдизи

бақувват бўлса-да, улар кўчириб экилганда барибир тутиб кетиши кийин. Бунинг устига дарахтлар ёз ойларида кўчирилган. Бу ёғи саратон, кунлар исийди. Ёнидан йўл ўтгани учун унинг иссиғи,



шунингдек, атрофдаги иморатлардан келадиган иссиқ-ҳам-бор. Бунинг устига бу ерлар хатто сув ҳам куйилмайдиган жойлар экан. Ботаника боғига катта дарахтларни кўчириб экиш тўғрисида мурожаат қилишади. Лекин мен жойига бориб кўриб, ёши катта дарахтларни кўчириш умуман

мумкин эмас, дейман. Чунки дарахтлар қуриб қолиш эҳтимоли катта. Мана, дарахтлар аҳволини кўрсангиз, уларнинг қанчаси қуриган. Улар орасида, ёш дарахтлар ҳам бор, лекин улар ҳам кўчириш учун қулай эмас. Уларнинг илдизларини кўчиришда кенг олиш керак. Лекин кўчириш учун дарахтни машинага жойлаганда атрофдаги илдизларнинг ҳаммасини кесиб юборишмоқда. Ҳатто танасининг очик пўстлоқлари ҳам шилиниб кетяпти. Кўчириш пайтида дарахтнинг асосидаги намлик кўтарилиб кетган. Шунинг учун мутахассис сифатида тавсия бериб айтамыз: катта ёшли дарахтларни кўчириш умуман мумкин эмас.

Ўзбекистон Экологик партияси вазиятни ҳали ўрганишда давом этади...

Ўзбекистон Экологик партияси Марказий кенгаши матбуот хизмати

Юнусобод туман ҳокимлиги диққатига!

ОГОҲ БЎЛИНГ,  
ҚУРИГАН ДАРАХТ  
УСТИНГИЗГА ТУШМАСИН!

Яшнаб турган дарахтни кесиш мумкин эмас, жуда тўғри! Аммо қуриб қолган дарахтни-чи?



Пойтахтимизнинг Олой бозори ёнидаги йўлакда қуриб қолган мана бу дарахт, йўловчиларга ҳам, автомашиналарга ҳам хавф солмоқда. Қуриган дарахт шамолда қийшайиб, ҳатто ерни ўпириб, томиригача очилиб қолган...

Шу дарахтни кесиш ҳақида қисқа суриштирув ўтказдик. Аниқлашимизча, дарахт жойлашган ҳудуд эгаси ДХА орқали Экоинспекцияга муржаат қилар экан. Шундан сўнг мутахассислар келиб, ушбу дарахтни кесиш тўғрисида ҳулосага келишса, Юнусобод туман ҳокимлигига чиқар экан. Ҳоким қарори билан кесиш мумкин экан.

Бу ҳудуд қайси ташкилотга қарашли эканини билмаймиз. Ишқилиб то эгаси топилгунча ерга илинибгина турган дарахт йикилиб кимнингдир ҳаётига ёки мол-мулкига зарар етказиб қўймаса бўлгани...

Нима ҳам дердик. Бу дарахтнинг айби қуриб қолганида. Қурилаганида «шес секунд»да эгаси топиларди...

# “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ”

Ўзбекистон келажagini ўзгартира оладими?

Бугун инсоният янги таҳдидлар олдида турибди. Ер шари аҳолиси кўпайишда давом этапти, табиий ресурслар захираси эса муттасил равишда қисқармоқда. Бундай диспропорция дунё мамлакатларини танг аҳволга солиб қўяётгани бор гап. Аввало, глобал экологик муаммоларнинг кескинлашуви кузатилди. Экспертлар вазиятни ўнглаш учун жаҳон иқтисодиётида «яшил тараққиёт» тамойилларини жорий этиш зарурлигини таъкидламоқда. Мазкур ёндашув БМТ Барқарор тараққиёт мақсадларида ҳам ўз ифодасини топган.

2019 йилда Ўзбекистон «Яшил иқтисодиёт»га ўтиш стратегияси»ни қабул қилди. Яқин ўн йилда мамлакатда углерод сарфини кескин камайтириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида экологик тоза ва ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш, қайта тикланувчи, самарали энергия манбаларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилган. Бу йўлдаги муҳим қадамлар ҳамда юзага келиши мумкин бўлган тўсиқлар хусусида Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти, «ERGO Analytics» тадқиқот компанияси раҳбари Рауф САЛОХЎЖАЕВ билан суҳбатлашдик.

— Ўзбекистон 2030 йилгача «яшил иқтисодиёт»га ўтишни мақсад қилган. Бундай қарорнинг аҳамияти нимада? У иқтисодий юксалишимизга ёрдам берадими?

— «Яшил иқтисодиёт»га ўтиш Ўзбекистонга кўплаб бонуслар олиб келади. Шу боис мен соҳадаги ислохотларни бошлаб берган 2019 йилги Стратегияни ўз вақтида қабул қилинган жуда тўғри қарор, деб ҳисоблайман. Ҳукумат пандемиядан олдинги макроиқтисодий кўрсаткичларни тиклаш ҳамда келгуси йилларда янада юқори ўсиш суръатларига эришишни мақсад қилган. Ўз навбатида, мамлакатда аҳоли сони ва даромадлари кўпаймоқда. Бундай шароитда, турган гапки, энергетика ресурсларига бўлган талаб ҳам ортади. «Яшил иқтисодиёт»нинг муҳим компоненти қайта тикланадиган энергия манбаларини яратиш ва фойдаланиш ҳисобланади. Бу жиҳатдан Ўзбекистоннинг салоҳияти анча юқори. Халқаро молиявий институтларнинг ҳисоб-китобига қараганда, республикада муқобил энергия (айниқса, қуёш энергияси)нинг йиллик захираси 270 миллион тонна шартли ёқилғи эквивалентига тенг. Бу реал эҳтиёжimizдан уч қарра кўп. Боз

устига, «яшил энергетика» соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш Ўзбекистонда яқин ўн йилда қайта тикланадиган энергия манбалари улушини 3 баробардан зиёдга кўпайтириш имконини беради. Бу иқтисодиёт учун мислсиз фойдадир.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, Ўзбекистон углеводород энергияси – нефть, газ, кўмирдан фойдаланиш ҳисобига ҳар йили ялпи ички маҳсулотнинг камида 4,5 фоизини йўқотмоқда. Қолаверса, мамлакатдаги энергия ишлаб чиқарувчи қувватларнинг салкам ярми эскирган. Уларни тиклаш ёки модернизациялаш катта маблағни талаб қилади. Бунинг ўрнига ҳам иқтисодий, ҳам экологик жиҳатдан самарали ҳисобланган «яшил энергетика»га ўтиш минг чандон афзал. Ахир, бугун дунё шу йўлни танлаётди. Эътиборлиси, Ўзбекистон Марказий Осиё давлатларидан биринчи бўлиб мазкур ҳаракатга қўшилди. Моҳиятан олиб қараганда, икки йил аввал қабул қилинган «Яшил иқтисодиёт»га ўтиш стратегияси» юртимизнинг «яшил тараққиёт» сари юз бурганини аниқлатади.

Албатта, «яшил иқтисодиёт» фақат энергетика соҳасини ислоҳ қилишдан иборат эмас. Унинг ичига тоза ичимлик сув муаммолари, озик-овқат хавфсизлиги, қишлоқ хўжалигидаги инновациялар, барқарор шаҳарлар, чиқиндиларни оқилона бошқариш, ўрмон ҳудудларини кенгайтириш, чўлланишни қисқартириш каби кўп қиррали ва кенг тармоқли чора-тадбирлар кириб кетади.

Яна бир муҳим гап. «Яшил иқтисодиёт»дан давлат ёки бизнес эмас, балки, энг аввало, оддий одамлар фойда кўради. Унинг ижтимоий аҳамияти ҳам шунда.

Жаҳон тажрибасидан маълум бўлишича, иқтисодиётнинг турли тармоқларида «яшил технологиялар»ни жорий этиш аҳолининг яшаш сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида шаҳарлардаги ҳаёт қулайлашади, болалар ўлими қисқаради, ўртача умр кўриш давомийлиги узаяди ва ҳоказо. Лотин Америкаси ва Африканинг айрим минтақаларида эса ҳатто ташқи миграция оқимлари қисқариб, инсон капиталининг ривожланиши кузатилган.

Унутмаслик керакки, Ўзбекистон БМТнинг Барқарор тараққиёт мақсадлари ҳамда Иқлим бўйича Париж битими ҳам қўшилган. Ҳар иккала ҳужжат миллий ҳукуматлар зиммасига «яшил тараққиёт» талабларини бажариш

лар талайгина. Ҳужжатларнинг ўзи ҳам жуда кўп. Айтايлик, электр энергиясини истеъмолчига етказиб бериш, нарх-навоҳи белгилаш ва тўловни амалга ошириш механизмлари амалдаги анъанавий тизимга мослаб яратилган. Муқобил энергия манбалари билан ишлаш имконини берадиган ҳуқуқий нормалар эса мавжуд эмас. Масалан, қуёш ёки бошқа турдаги қайта тикланадиган энергияни ким ва қанча миқдорда ишлаб чиқаради, у аҳолига қай тартибда, қандай тариф бўйича етказиб берилади? Бу каби саволларга ойдинлик киритиб, қонун ҳужжатларида акс эттириш ва шу аснода янги бозор субъектлари ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириб бориш зарур.

Иккинчи муҳим масала, «яшил иқтисодиёт»га ўтишда давлат қайси молиявий инструментлардан фойдаланмоқчи эканини аниқлаб олишдан иборат. Чунки дастлабки босқичда иқтисодиёт тармоқларига мўмай инвестиция киритишга тўғри келади. Бундай юкни давлат бюджети қўтаролмайди, эҳтимол, халқаро донор ташкилотларга мурожаат қилинар. У ҳолда ташқи кўмак қандай шартларда тақдим этилади? Муҳими, маҳаллий бенефициарлар – аҳоли, тадбиркорлик ва хўжалик субъектлари уни қай шаклда олиши мумкин? Бизнесда «яшил иқтисодиёт» тамойиллари асосида ишлаш учун рағбат ва мотивация уйғотилмаса, давлатнинг барча саъй-ҳаракатлари зое кетади.

Одатда корхона ва ташкилотлар, аҳолининг турли қатламларига муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнида углерод сарфини камайтириш, «яшил технологиялар»ни қўллаш ва тегишли асбоб-ускуналар харид қилиш учун имтиёзли ёки фойсиз кредитлар, субсидия ҳамда грантлар, солиқ имтиёзлари тақдим этилади. Ўз навбатида, бунга банк-молия тизими ҳам хайрихоҳлик кўрсатиши, банклар БМТ Барқарор ривожланиш мақсадлари билан боғлиқ бизнес-лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратиши жуда муҳим.

Юқорида келтирилган молиявий кўмак инструментлари, биринчи навбатда, кичик бизнес субъектларига татбиқ этилса мақсадга мувофиқдир. Сабаби улар бозор конъюктурасидаги ҳар қандай ўзгаришга ниҳоятда сезгир бўлиб, янги рақобат муҳитига мослаша олмаслиги мумкин. Йирик корхоналарда эса «химоя ёстиқчаси» мавжуд. Шу боис баъзи компаниялар «яшил иқтисодиёт»га ўтишда қийналмайди. Жуда бўлмаса, маҳсулот ёки хизматлар турини диверсификациялаш ҳисобига эҳтимолли рискларни минималлаштириши олади.

«Яшил иқтисодиёт»га ўтишда асосий роль ўйнайдиган иқтисодиёт тармоқларини белгилаб олиш ҳам долзарб масала. Фикримча, дастлабки босқичда туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаларига инвестиция киритганимиз айтиш мумкин. Бундан ташқари, машинасозлик, автомобилсозлик саноатидан ҳам катта самара кутса бўлади.



«Яшил энергетика» соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш Ўзбекистонда яқин ўн йилда қайта тикланадиган энергия манбалари улушини 3 баробардан зиёдга кўпайтириш имконини беради

мажбуриятини юқлайди. Демак, эртами кечми «яшил иқтисодиёт»га барибир ўтишимиз керак. Бошқа чорамиз ҳам йўқ.

— «Яшил ўсиш» жараёнида Ўзбекистон қандай муаммо ва тўсиқларга дуч келиши мумкин?


— Турли интенсивликдаги ички ва ташқи муаммолар юзага келиши муқаррар. Уларга тайёр туриш ва ўз вақтида баргараф этиш учун ҳам стратегия қабул қилинди.

«Яшил иқтисодиёт»га ўтишдан аввал миллий қонунчиликни аудитдан ўтказиб, жаҳон талабларига мослаштириш ҳамда ягона тизимга келтириш зарур. Баъзи давлатлар ишни амалиётдан бошлаб, кейин қонунчилик базаси билан шугуллангани боис, қўшимча муаммоларга дуч келди. Бундай ҳатолик ўтиш жараёнини секинлаштиради.

«Яшил тараққиёт»нинг драйвери бўла оладиган энергетика, илм-фан ва инновациялар, туризм каби соҳаларга доир қонун ҳужжатларимизда номувофиқликлар, бир-бирини инкор этувчи жиҳат-



**Рауф САЛОХЎЖАЕВ** дастлаб Тошкент молия институтини, кейинчалик Бингемтон университети (Нью Йорк, АҚШ)да таҳсил олган. У халқаро «Скорис» мукофотининг уч қарра совриндори, 2017 йилда дунёнинг юз нафар энг кучли ёш иқтисодчилари рўйхати-га кирган. Айтиш мумкин Тошкент давлат иқтисодиёт университетида илмий фаолиятини давом эттирмоқда. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.



**Бир сўз билан айтганда, давлат қайси соҳани, қачон ва қандай қилиб «яшил иқтисодиёт»га ўтказишни ҳозирдан ҳал қилиб олиши зарур.**

Яқин истиқболда «яшил тараққиёт»нинг интеллектуал кучи ҳисобланган малакали кадрлар етишмовчилиги муаммосига ҳам тўқнаш келамиз. Ўзбекистон олдида шундай мутахассисларни тайёрлаш вазифаси кўндаланг турибди. Бу ишга ҳозирдан киришмасак, келгусида хорижий давлатларга қарам бўлган ҳолда яна катта харажатга тушаверамиз.

«Яшил иқтисодиёт»га тезроқ ва нисбатан оғриқсиз ўтиш учун илм-фан ва инновацияларни жадал ривожлантириш зарур. Чунки бу турдаги иқтисодиёт авваломбор илм-фан ютуқлари ҳамда самарали инновацион ечимларга таянади. Биргина мисол, охириги ўн йилда дунё микросида қуёш энергиясидан фойдаланиш харажатлари 80 фоизга қисқарди. Мазкур тенденция давом этмоқда. Нега? Чунки олимлар, муҳандис ва технологлар мавжуд ускуналарни такомиллаштириш, янгиликларни яратиш, таннархини тушириш бўйича тинмай изланипти. Бундай тадқиқотларни Ўзбекистон ҳам олиб бормоғи даркор. Токи инновацион маҳсулотларни ҳадеб хориждан экспорт қилмай, ўзимизда ишлаб чиқарайлик.

**– «Яшил тараққиёт» тамойилларини қўшниларимиз ҳам қўллаб-қувватлаши нечоғли муҳим?**

– Бу борада минтақавий бирдамликка эришилгани яхши, албатта. Шунда жараён тезлашади. Экологик мувозанатни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш каби масалалар Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари учун долзарб. Табиатда сиёсий чегаралар бўлмайди. Айтايлик, «яшил энергетика» тизими ёки атроф муҳитга зиён етказмайдиган ишлаб чиқариш қувватларини яратишдан нафақат Ўзбекистон, қўшнилари ҳам ютади. Шу нуқтаи назардан умумманфаатли стратегик режаларга таяниб, биргаликда ҳаракат қилганимиз маъқул. Бироқ «яшил иқтисодиёт»га ўтиш ўтмаслик ҳар қайси давлатнинг мустақил иши. Ўзбекистон ўз қарорини қабул қилиб бўлди. Энди соҳа ривожини учун ҳуқуқий ҳамда институционал пойдевор ҳозирлаб, локал лойиҳаларни амалга оширишга киришмоқ лозим. Бунга 10, балки 20-30 йил талаб қилинар. «Яшил иқтисодиёт»ни муваффақиятли жорий эта олган Скандинавия мамлакатлари тажрибасини ўргансак арзийди.

**– Яқинда Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон «P4G» йўналишидаги шерикликка қўшилишга тайёр эканини билдирди. Бу оддий фуқаролар учун нимани аңлатади?**

– «Яшил ўсиш» ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик» (P4G) яқин йиллар ичида илгари сурилган йирик халқаро ташаббус ҳисобланади. Уни «яшил ривожланиш» йўлини танлаган мамлакат ва шаҳарларнинг ўзига хос клуби, дейиш ҳам мумкин. Ҳозир ло-

йиҳанинг ўндан ортиқ аъзоси бор. Мазкур платформа доирасида иштирокчилар «яшил иқтисодиёт»га ўтишга ёрдам берадиган инновацион ечимлар яратиш борасида ўзаро ҳамкорлик қилади.

«P4G» институционаллашган тузилма бўлиб, бир қатор нуфузли халқаро бирлашмалар, молиявий институтлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Унинг ёрдамида Ўзбекистон «Яшил иқтисодиёт» стратегияси»ни амалга ошириш учун зарур инвестицияларни жалб қилиши мумкин. Юқорида мен «яшил иқтисодиёт» аввало оддий халқнинг манфаатлари ва истиқболига хизмат қилишини таъкидладим. «P4G» йўналишидаги шерикликка қўшилишимиз пировард натижада ўзбекистонликлар турмуш тарзининг яхшиланиши, ҳаёт сифатининг ортиши, шаҳарларнинг яшаш учун қулай бўлиши, минтақамизда экологик мувозанатнинг тикланиши ва бошқа қўллаб-қувватлаш ижобий ўзгаришларга олиб келади.

**– «Яшил ривожланиш» Ўзбекистоннинг инвестицион жозибadorлигини ошира оладими?**

– Биласизми, бугун бу ҳаракат бутун дунёда трендга айланган. Йирик компаниялар, трансмилий корпорациялар ўз фаолиятида «яшил ривожланиш» тамойилларини татбиқ этипти. Улар корпоратив имижини сақлаб қолиш учун атайин Барқарор ривожланиш мақсадларига содиқлигини намоён этмоқда. Ўз навбатида, «яшил ўсиш» йўлини танлаган мамлакатлар ҳам халқаро ташкилотлар ҳамда бизнес доираларнинг эътиборини тортмоқда. Ташқи кредитор ва инвесторлар ушбу давлатларга сармоя киритишни маъқул кўряпти. Ўзбекистоннинг «яшил иқтисодиёт»га ўтаётгани дунё ҳамжамияти учун муҳим сигналдир. «Яшил тараққиёт» борасидаги мақсадларимиз рўёбига қаратилган муҳим сармоявий лойиҳаларни йирик донор ташкилотлар, хусусан, Ғарб компаниялари молиялаштириш истагини билдирса, ажаб эмас.

**– «Яшил иқтисодиёт»га ўтиш ички бозор конъюнктурасига қанчалик таъсир кўрсатади? Унда янги «ўйин қоидалари» ва «ўйинчи»лар пайдо бўлиши мумкинми?**

– Бозор конъюнктураси кескин ўзгаради, деб ўйламайман. Лекин янги маҳсулот ва хизмат турлари, янги бозорларнинг пайдо бўлиши аниқ. Бу иқтисодиётда «яшил» тармоқлар юзага келиши билан боғлиқ. Бундай ўзгаришлар аънанавий бозор конъюнктурасига мослашган тадбиркорлар учун оғриқсиз кечмайди, албатта. Айрим соҳаларда ишлаб чиқариш қувватлари қисқариши мумкин. Сабаби корхоналарнинг барчаси ҳам «яшил ўсиш» тамойилларини қабул қилишга тайёр эмас. Юқорида айтганимдек, ўтиш даврида давлат тадбиркорлик субъектлари, айниқса, кичик бизнесга ёрдам қўлини чўзиши, янги «ўйин қоидалари»га мослашишга ёрдам берадиган қўшимча молиявий инструментларни ишга солиши муҳим.

**Наргиза УМАРОВА,**  
журналист

# СИЗГА БИР ГАП АЙТАМАН...



Босма оммавий ахборот нашрларининг ўзига хос томонларидан бири унда эркин фикр ва мушоҳадаларни муфассал баён этиш имкониятидир. Бу билан электрон матн муаллифлари фикр юритмайдилар, деган хулосадан йироқман. Уларнинг тафаккурида ахборот устуворлик қилади. Зеро, блогерлар нутқида кенг ва атрофлича фикр айтиш табиатан тўғри келмайди.

Сиз минбарда нутқ сўзлаяпсиз. Рўпарангизда турган тингловчилар бу одам нима гап айтар экан, деб диққат қилиб туришибди. Матбуотда сўз айтиш ҳам шундай. Ёзганингизни кўз нури орқали ўқишади. Ана шу эътиборга, эҳтиёжга яраша гап айтишингиз керак.

Фикр айтишда ҳам маданият бор. Билган топиб гапиради, билмаган қошиб, дея бежиз айтилмаган. Ҳаётдаги мавжуд воқеликни ортиқча таъриф-тавсиф билан, тумтарок жумлалар орқали ифодалаш ўқувчининг эътиборини ўзига тортмайди. Бундай ҳамду санолар тингловчининг вақтини олади. Саҳифани банд қилиб, ўқишдан бездиради.

Журналист қўлига қалам олиб, сўз айтишга киришар экан, аввало, муштарийга маънили сўз айтиш, фикр билдиришни мақсад қилиши керак. Ислохотларимиз одими ҳақида ёзар эканмиз, атрофимиздаги савий-ҳаракатлар орқали юрт тараққиёти йўлида қандай ибратли интилишлар бўлаётганидан воқиф этайлик. Ҳар бир қадамда Ватан манфаати бош мезон бўлсин. Бу йўлда дуч келаётган тўсиқ ва муаммоларни бартараф этиш ҳаммамизнинг ватанпарварлик бурчимиздир.

**Нўноқ нотик гапни айлантурса, одамлар уни тингламай қўяди. Эфирда гапирганда шартта ўчиради. Газетани ўқимай қўя қолади.**

Шу маънода, оммавий ахборот воситаларида халқимизнинг «ишонч кредитлари» тугаб қолмаслигини ўйлашимиз керак. Бугунги тезкор замонда газетхон эҳтиёжи билан ҳисоблашимиз шарт.

Яқинда умумхалқ томонидан кенг нишонланган касб байраминизда босма ахборот воситаларининг ҳаётимиздаги ўрни ҳақида кўп айтилди. Даврий нашрларга обуна қамайиб кетганлиги ҳам ташвиш билан муҳокама қилинди. Газета ўқилиши учун унинг ижодкорлари жозибador шакллари излашлари зарур дейишди. Жуда тўғри. Лекин шу нашрларга обуна бўлиш халқнинг умумий савияси қай даражада эканлигини билдиради. Обуна маданияти аҳоли ўртасида тушунтириш, тарғиб қилишга ҳам боғлиқдир. Агар биз озгина тарғибот қилсак, мажбурий обунага ундаганликда айбланамиз. Ахир газетанинг асосий иши тарғибот-ташвиқотдан иборат-ку. Ижобий тажриба ҳақида ёзсак, ундан ибрат олишни, салбий воқелик ҳақида қалам тебратсак, бундай камчиликнинг йўлини тўсиш мақсад қилинади. Ҳолбуки, мен анчадан буён газета ўқимай қўйганман, деб мақтанадиган юртдошларимиз сони ошиб борапти.

Янги Ўзбекистон ён-атрофимизга янги муносабатни талаб қилмоқда. Очиғини айтганда, энди эскича қарашлар билан узоққа бориб бўлмайди. Ҳовлимизда анвойи гуллар барқ уриб турса, ҳар тонг бу гўзал манзара бизни кўркам ҳаётга завқимизни оширсан, умримизга мазмун қиради. Янги авлод шу муҳитга монанд тарбия топади. Одамларимиз бу ҳаётдан рози бўлиб, фақат эзгулик сари интилишади. Худди шундай турмуш тарзига соғлом тафаккур орқали, нурли орзулар туфайли эришамиз.

Мен сизга дилимдаги муҳим гапни айтмоқчи эдим. Уни эшитишга тайёرمىсиз, азиз замондошим?!

**Шухрат ЖАББОРОВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

## ЧИҚИНДИЛАРДАН ҚУТИЛИШНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

Япониянинг Камикацу оролидаги тоғли қишлоқ аҳолиси чиқиндиларни ўзлари қайта ишлашга қарор қилишди. Ҳозир улар чиқиндиларни 34 та турларга ажратишмоқда.



Фуқаролар биринчи галда чиқинди ташувчи машиналар ва контейнерлардан воз кечишди. Улар 90 фоиз чиқиндиларни қайта ишлашни ўрганишди.

Қишлоқда мувофиқлаштирувчи марказ иш юритади. Унда бир оила ишламай қўйган нарсани бошқа оилага бериш мумкин.

Чиқиндилар утилизациясидан тушган маблағ эҳтиёжманд

инсонларга озиқ-овқат олиш учун берилади. Мазкур усулда чиқиндиларни қайта ишлаш тажрибасини яна учта қишлоқ аҳолиси тажриба сифатида қўлай бошлади.

Камикацу оқсоқоли дунёдаги ҳар бир жамият бунга эриша олишига ишонади.

Табиат муҳофазасига қаратилган саъй-ҳаракатлар бугун ёки эртага бирдангина ўз натижасини кўрсатмайди. Бунинг учун йиллар керак. Вақт ўтиши билан табиат яшнашига қўшган кичик ҳиссангиз бутун атроф муҳитдаги бетакроф ўзгаришлар билан ўзини кўрсатади. Аммо экологияни яхшилаёмиз, одамлар тоза ҳаводан нафас олиши учун кўп ишларни қиляёмиз, деган иддао билан кўзбўямачилик қилинган бўлса-чи? Афсуски, бунинг ҳам аянчли оқибати йиллар ўтгандан сўнггина сезилади.

## ЭКОЛОГИЯ ВА ТОЗА ХУДУД

### УЧУН АЖРАТИЛГАН МАБЛАҒЛАР КИМНИНГ ЧўНТАГИГА ҚАРАБ «ОҚМОҚДА»?

Ҳар йили давлат бюджетидан миллиардлаб маблағ ажратилади. Атроф муҳит тозаланиши сақлаш учун, дея ҳар бир хонадондан, аниқроғи ҳар бир жон бошидан ойма-ой муайян маблағ йиғилади.

Аслида экология ва атроф муҳит муҳофазаси учун ажратилаётган бу маблағлар қанчалик ўринли сарфланаётгани тўғрисида одамларда ҳам шубҳа йўқ эмас эди. Чунки йиллар давомида минглаб дараклар кесилган бўлса-да, уларнинг ўрни ақалли ярмига ҳам тўлдирилмади. Кўп қаватли уйлар атрофидоги чиқиндилар девор билан ўраб қўйилганини айтмаганда, тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётиши, унинг атрофга таратаётган бадбўйи заррача ўзгарган эмас. Маиший чиқиндиларни алоҳида қутиларга ажратган ҳолда ташлаш ҳақида-ку гап-сўз бўлиши мумкин эмас. Ҳар йили қутилар турли рангларга бўялиб, тақдимотлар қилинади, маблағлар ажратилади. Аммо чиқиндиларни ажратиб ташлашнинг тартибю қондасидан на аҳоли, на чиқинди йиғувчилар хабардор. Картошканинг пўчоғидан тортиб лампочка синигича бўлган аралаш масса минг бир зараркунандалар ўчоғи бўлиб болалар ўйингоҳларининг шундоқ ёнгинасида ётади.

Йиллар давомида қилинган ана шу кўзбўямачиликлар «сабоғи» куни кеча Молия вазирлиги томонидан тарқатилган ахборотда ҳам ўз ифодасини топди. Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимидаги ташкилотларда ўтказилган назорат тадбирлари натижалари, аниқроғи экология ва тоза ҳудуд учун, деган нибобда ўмарилган маблағлар тўғрисида маълумот берди.

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси ва унинг тизимидаги бюджет ташкилотлари ҳамда ҳудудий «Тоza ҳудуд» давлат унитар корхоналарида 2017-2020 йилларда бюджетдан ажратилган ва бюджетдан ташқари маблағларнинг мақсадли сарфланиши юзасидан

**ўтказилган текширишларда жами 87,3 млрд. сўмлик молиявий хато ва камчиликлар аниқланган,**

дейлади Молия вазирлиги Ахборот хизмати хабарида.

Жумладан, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси ва унинг тизимидаги бюджет ташкилотларида ходимларга иш ҳақи, меҳнат таътили, моддий ёрдам ва мукофот пулларини ҳисоблашда хатоликларга йўл қўйилиши оқибатида 9,4 млрд. сўм миқдоридоги бюджет ва бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ноқонуний сарфлаб юборилган.

Мисол учун, экология, атроф



табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармасига ажратилган тушумларни, атроф табиий муҳит ифлосланганлигини ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини ҳамда биохилма-хиллик юзасидан табиатга етказилган зарар учун тегишли ташкилотлардан 3,8 млрд. сўм ундирилиши таъминланмаган бўлса, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 2,2 млрд. сўм бошқа харажатларга ортиқча ва мақсадсиз сарфлаб юборилган.

Бундан ташқари, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси тизимидаги ҳудудий «Тоza ҳудуд» ДУКларга ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни мақсадли сарфланишида, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлашда, махсус техникалар ва чиқинди контейнерларини харид қилишда ҳамда чиқинди полигонлари қурилишида 77,9 млрд. сўмлик қонуности ҳолатлари аниқланган.

Мисол учун, Андижон вилояти «Тоza ҳудуд» ДУК ҳисобчиси ўзига тегишли банк картасига 282,7 млн. сўм маблағни асоссиз ўтказиб, ўзлаштириб юборган бўлса, Қашқадарё вилояти «Тоza ҳудуд» ДУКда ходимларнинг ойлик иш ҳақи миқдори асоссиз равишда юқори қўлланилиши ҳисобига ишчи-ходимларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан 1 730,4 млн. сўм ортиқча тўлаб юборилган.

Шу каби ҳолатларга Навоий (1 561,7 млн. сўм), Самарқанд (776,4 млн. сўм), Сурхондарё (262,1 млн. сўм), Жиззах (173 млн. сўм), Хоразм (101,6 млн. сўм), Сирдарё (50,5 млн. сўм) ва Бухоро (29,6 млн. сўм) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси (236,3 млн. сўм) даги ҳудудий «Тоza ҳудуд» ДУКларида ҳам йўл қўйилган.

Ҳудудий «Тоza ҳудуд» ДУКларида махсус транспорт воситаларидан мақсадли фойдаланилишида ва ёқилиш мойлаш маҳсулотларини сарфлаш меъёрларига амал қилинмагани натижасида 44,2 млрд. сўм миқдоридоги маб-

лағлар асоссиз ортиқча сарфланган.

Мисол учун, маиший чиқинди йиғиш полигонларида ёрдамчи бино, автогараж, маъмурий бинолар ва иншоотлар қурилишида пудратчилар томонидан бажарилмаган қурилиш-таъмирлаш ишларини ҳисоботларга кўшиб ёзилиши оқибатида Тошкент (695 млн. сўм), Сирдарё (587,5 млн. сўм), Навоий (201,6 млн. сўм), Андижон (104,8 млн. сўм), Жиззах (91 млн. сўм), Фарғона (36 млн. сўм) ва Хоразм (25 млн. сўм) вилоятларида маблағлар асоссиз сарфлаб юборилган.

Шунингдек, Бувайда туман ҳокимининг қарори билан 2020 йилда полигон учун ажратилган ҳудудда 470 млн. сўмга қуриб битказилган автогараж ўша йилнинг ноябрь ойида асоссиз бузиб ташланиб, бюджет маблағлари самарасиз сарфланишига йўл қўйилган.

Ҳудудий «Тоza ҳудуд» ДУКлар томонидан «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонун талабларига риоя этилмагандан 11,3 млрд. сўмлик шартномалар тузилган ва харидлар амалга оширилган.

Мисол учун, мазкур Қонун талабларига зид равишда Самарқанд (7,1 млрд. сўм), Бухоро (794,7 млн. сўм) ва Наманган (372,4 млн. сўм) вилоятларида тўғридан-тўғри тузилган шартномалар асосида товар-моддий бойликлар харид қилинган.

Ўтказилган назорат тадбирлари натижасида расмийлаштирилган ҳужжатлар ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.

Бу рақамлар қанчалик катта экани кўриниб турибди. Аммо унинг оқибатларини, табиатга, одамлар саломатлигига етказган зарарини эса ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Албатта бу молиявий қинғирликларга ҳуқуқий баҳо берилади, балки маблағларнинг бир қисми давлатга қайтарилар ҳам. Бирок табиатни алдаб келинганини қайтариб бўлармикан. Афсуски, бунинг иложи йўқ. Бугун биз рўбарў бўлаётган мислсиз экологик муаммолар жабрини яна қанча-қанча авлодлар тортишига тўғри келади. Чунки табиат кечирмайди!

## КИТОБХОНЛИКНИ БОЙ БЕРИБ

Кўпинча «Бугунги ёшлар қўлига китоб олмайди!» – деб нолийверамиз. Дашном беришдан чарчамаймиз. Бироқ, бунинг асл сабабини суриштириб кўрмаймиз. Хўш, нима учун келажак эгалари маънавиятдан, зиё олишдан ўзларини маҳрум қилиб қўймоқда?

Айрим ота-оналар оиладаги оддий масъулиятсизлик ортидан билиб-билмай, «саводсиз авлод»ни шакллантираётганини ҳис қилишмаяпти назаримда. Етти ёшли фарзанд «Аяжон, мана бу сўз қандай ўқилади?» «Эртақ айтиб беринг!» – деб сўраганида падар ишда, волида ҳаётда кўрганганимизда жирканиб кетадиган воқеалар тасвирланадиган «Тik-Tok»дан бош кўтармаётган бўлса...

### «Тik-Tok» тақиқланади ёки... келажак?

Аввал, икки оғиз «Тik-Tok» ҳақида тўхталсак.

Хитойдаги «Byte Dance» компаниясига тегишли бўлиб, қиска видеоларни тасвирга олиш ва уни юклашга мўлжалланган мобиль илова. Дастлаб Хитойда 2016 йилда, 2018 йилда эса халқаро даражада ишга туширилган. Чин мамлакатига «Доуинь» номи билан аталади. «Тik-Tok» ваколатхоналари Лос-Анжелес, Нью-Йорк, Лондон, Париж, Берлин, Дубай, Мумбай, Жакарта, Сеул ва Токио шаҳарларида жойлашган. Дунёнинг 200 га яқин мамлакатларида унинг фойдаланувчилари сони 1 миллиарддан ошган. Энди ўз-ўзидан савол пайдо бўлади шунча аудиторияси бор илованинг Ўзбекистонга нима зиёни тегяпти?

### Аждодларини «хўрлаган» авлодлар

2020 йил апрель ойида карантинда «эплаб кўчада юрган» 22 ёшли киз ва унинг дўстлари 15 суткага қамалди. Ёшлар карантин талабларига зид равишда жамоат жойларида нибобсиз юриб, Амир Темур хайкали олдида коронавирус пандемияси Ўзбекистондан қачон кетиши ҳақида сўраб, буюк саркарда шахсига ҳурматсизлик қилишган.

Яна бир ҳолатда каттақўрғонлик 24 ёшли йигит Алишер Навоий хайкалига бақириб, ундан овқат сўрагани ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг кескин танқидига учради. Кейинроқ у қилган иши учун узр сўраб чикди, аммо бу муаммонинг ечими эмаслиги аниқ. Гарчи унга ва шеригига нисбатан 15 сутка маъмурий қамок жазоси тайинланган бўлса ҳам.

Андижонда шаҳар марказидаги Мотамсаро она хайкали ёнида ноҳўя ҳаракатлар қилиб, унинг «кучоғи»да ётиб олган фуқарога ҳам чора кўрилди. Қайд этиш жоизки, 3 нафар фарзанди бор ушбу тиктокер ундан олдин ҳам ҳуқуқ-тартибот органларининг эътиборига тушганди. Ўшанда у гўёки Андижон бекатидан Охунбобоев бекати томонга ҳаракатланиб келатган тепловоз остига ётиб олганини видеога олган эди.

Бу ҳам камдек яқиндагина, Самарқандда кўчани «хулиган»лар бошқаришини айтган тиктокер 7 суткага қамалди. Йигитларнинг қилган ишлари Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судида кўриб чиқилган. Суд қарорига кўра, айбланувчига Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 183-моддасига (майда безорилик) асосан 7 сутка маъмурий қамок жазоси тайинланган. Бу каби воқеалар ортса ортыптики, камайгани йўқ. Жазолар юмшоқлик қиляптими, билмадик. Эр қидираётгани, қандай овқат еётганини айтаётганлардан тортиб, очик баданини реклама қилаётганларга ҳам жамланган ушбу платформани бугун ҳеч иккиланмай «шайтон ойнаси» дейишимиз мумкин.

Россиянинг Перм ўлкаси, Нитвенский туманида яшовчи





# «Tik-Tok»ка ҚҲЙМАЯПМИЗМИ?

Икки ўқувчи киз «Tik-Tok» тармоғига видео суратга олиш учун бутун бошли фермани ёкиб юборди. Қизлар сомонни ёкиш жараёнини видеога олишган, аммо кейин улар ёнғинни тўхтатишнинг имконини тополмаган. Ёнғин нагжасида 150 минг рубль қийматдаги мол-мулк куйиб кул бўлган. Қизлар воқеа жойидан қочиш кетишган, лекин маҳаллий полиция ходими уларнинг шахсини аниқлашга муваффақ бўлган. Қизларнинг ота-оналарига нисбатан «воёга етмаганларни тарбиялаш вазибаларини бажармагани» бўйича маъмурий баённомалар тузилган.

Яқинда Россия «Tik-Tok» ижтимоий тармоғини 1,5 миллион рубль миқдориди жаримага тортиди. Компания Россия қонунчилиги билан тақиқланган маълумотларни олиб ташлашдан бош тортигани учун жазоланди.

Покистон телекоммуникация бошқармаси вакили Хуррам Меҳрон суд қарори ортидан мамлакат ҳудудида «Tik-Tok» ижтимоий тармоғи тақиқланганини маълум қилди. «Суд «Tik-tok» блокранишини сўради ва бошқарма буни бажаради», – деган Меҳрон «Dawn» газетасига берган интервьюсида.

Хўш, юқоридаги мисоллардан кейин ҳам «Tik-Tok» Ўзбекистонга керакми? Дунё эътироф этган боболаримиз кадр-қиммати кўз ўнгимизда топталиб ётибди. Аксига олиб йилдан-йилга маънавий қашшоқлик, оммавий маданият бизни таъкиб қилиб келаётган бўлса...



## Китобхонлик ҳақида гапиришдан олдин...

Ёш болалар ота-оналари қўл телефонидаги мобиль ўйинлар турганида, ҳеч ким уларнинг китоб ўқишини талаб қилмаганида албатта, иккиланмай дастлабки вариант танланади. Минг афсуски, шундай қилиб, жамият яна бир интеллект соҳиби бўлиши кутилаётган бўлажак етук кадрдан айрилиб қолади. Айрим оила вакиллари, энди мактаб ёшига тўлган ўғил-қизларининг туғилган кунларига ошиб борса 50 минг сўм турадиган китоб эмас, 2 миллионлик телефон совға қилишади. Интернет бу мисоли – денгиз. Унинг қаърида ҳар хил ғоялар яширин. Эртага ким қафолат бера олади ёшларнинг одам савдоси, турли экстремистик гуруҳлар таъсирига тушиб қолмаслигига, оммавий маданият домига тортилмаслигига?..

Бирон нарса дейишга қийналиб қоламиз. Сабаблар етарлича. Қирқ йиллаб илмий изланиш қилиб, китоб ёзганлар уни чоп эттиролмапти. Пули йўқ. Нашриётлар эса зарарга ишлашни истамайди. Бу ёқда бўлса, алламбало қилиқлар қилиб видеолар олаётган тиктокерлар ҳокимлар томонидан «MacBook» билан тақдирланиб, таниқли шоу-бизнес вакиллари тақлиф қилинган ҳолда байрамларда савлат тўкиб ўтирибди. Қани мантик?!

Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон билан китобхонликни тарғиб қилиш борасида суҳбатлашганимда шундай деган эди:

*«Қадимги «Дада Қўрқут» достонида онага айтилади: «Эй, она. Сен ҳадеб қизингга ундай қилма, бундай қил, бундай қилма, ундай қил деявермасдан ўзинг ўша ишни қилгин. Қизинг кўрсагина сендан ўрганади. Акс ҳолда насиҳатларинг бесамар кетаверади!»*

*Бундан келиб чиқадики,*

**оилада ота-она китоб ўқиса, ана ўшанинг таъсиридагина ёш китобхон пайдо бўлади.**

*Яна бир масала хусусида гапирмай ўтолмайман. Биринчи навбатда болалар учун адабиётларни арзон қилиш керак. Бу жуда муҳим. Ҳозир китоблар қиммат. Оталар рўзгорига нон олсинми ёки боласига китоб? Албатта, улар нонни танлайди. Ҳеч бўлмаса, болаларга мўлжалланган китобларни арзонлаштирсак, ана ўшандагина китоб мутулааси ҳақида гапирсак ярашади.*

*Бундан 4-5 йиллар олдин Озарбайжон Ёзувчилар бирлиги мени мукофотлаш учун чақирганида ўша ерда бир яхши ҳодисага гувоҳ бўлганман. Ҳар бир банк бир йилда қанчадир китобни чиқаришига ҳомийлик қилиб халққа бепул тарқатаркан. 20 йил нашриёт, 20 йил телевидениеда ишлаган инсон сифатида ҳар икки соҳани кузатиб бораман, жуда кўп нашриётлар яхшигина шаклланиб бормоқда. Бироқ, давлат томонидан жиддий эътибор қартилиши керак бўлган масалалар талайгина!..»*

Хуршид Даврон айтган гаплар ва билдирган эътирозлар ўринли. Бизда баъзи ташкилотлар бизнесмен ёки давлат органи вакиллари тиктокерларга ҳомийлик қилиши мумкин. Фойда кўпроқ-да... Китобхонлик, келажак тақдири уларга иккинчи ўринда. Эртага ўзларининг авлодидан ҳар хил қилиқлар кўрсатадиганлар чиққанида жуда кеч бўлади.

Баъзан кутубхонага борганимда айрим ёшларнинг қулоқчинларни тақиб олиб бутун мияси билан «Tik-Tok»ка кириб кетганини кўраман. Дахшатли-а? Китобхонликни бой бериб қўймаёп-мизми?

Сўзим охирида ота-оналарга юзланмоқчиман: болаларингиз тарбиясига ёшлигидан эътиборли бўлинг, уларни телефондаги ёт ғоялар эмас, сизнинг тавсияларингиз, кўрсатган тўғри йўлингиз ортидан, жамият ривожига хизмат қиладиган ўз соғлом фикрлари бошқарсин!

**Аброр ПОЁНОВ**

Тарбия – инсон камолотга етиши, ўзи ва жамият учун керакли шахс бўлиб улғайишида ҳаво каби вазифани ўтаса, таълим – ёш гўдақнинг мурғак танаси ривожланишида сув сингари зарур. Улар шахс қиёфаси шаклланишига асос бўлади. Бу икки тушунча бирлашиб, жисмоний куч-қудрат ва руҳий қувватни юзага келтиради.

## Нажот сари ИККИ МУШТАРАК ЙЎЛ

Таълим ва тарбия уйғунлигини жамият ижтимоий ҳаётида тўғри ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш имкониятига эга бўлган ҳар қандай давлат – барча соҳалар бўйича барқарор ривожланишга эришади. Масалан, Сингапур маорифга улкан сармоя киритиш асосида – илмий-техник ривожланиш соҳасида жаҳоннинг етакчи мамлакатларидан бирига айланди.

Мамлакатимизда ҳам кейинги йилларда таълим ва тарбия интеграциялашувига эришиш борасида кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Хусусан, ҳукуватимиз томонидан қабул қилинган мактабгача таълим ҳамда олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияларидан кўзланган мақсад – жамиятимиз ҳаётида барқарор ва тадрижий таракқиёт белгиларини ўзида мужассам этган янги авлодни (бу авлоддан – Ўзбекистонда янги Ўйғониш даври пойдевори яратилиши кутилмоқда) шакллантиришдан иборат қилиб белгиланди. Зеро, Президентимиз алоҳида таъкидлаб ўтганидек, **«Таракқиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу – илм-фан, таълим ва тарбиядир».**

Таълим ва тарбия самарадорлигига эришиш йўлида олиб борилаётган ҳар қандай ислохотлар ривожини куйидаги омиллар билан бевосита боғлиқ:

*Биринчидан,* ёшлар дунёқарашида таълим олишга бўлган иштиёқни ошириш зарур.

*Иккинчидан,* таълим таракқиётига қаратилган сармоядорликни янада ошириш мақсадга мувофиқ. Мисол учун, Сингапурда таълим вазири бюджети давлат умумий бюджетининг 18,7 фоизини ташкил қилади. Бундай эътибор натижасида мамлакатда аҳолининг саводхонлик даражаси 96 фоизни ташкил қилмоқда.

*Учинчидан,* умуминсоний хусусиятларни ўзида мужассам этган миллий руҳда таълим ва тарбия бериш тизимини такомиллаштириш керак бўлади. Бу борадаги ислохотларда Япония ўзига хос модел яратган. Хусусан, япон таълим тизимида ёшларни ватанпарварликка қорловчи «япон руҳи» ишлаб чиқилди. Ёшларни илмий тажрибалар билан шуғулланиши, ўзида кашфиётчилик қобилиятини шакллантириши учун алоҳида эътибор берилди.

*Тўртинчидан,* илмий кашфиётни рағбатлантириш, уни ишлаб чиқаришга кенг миқёсда жорий этиш борасида давлат бош ислохотчилик механизминини янада ривожлантириш такозо этилади.

Бугунги кунда янгиланаётган Ўзбекистонда ҳам таълим ва тарбия йўналишида тадрижий узвийликни ўрнатиш, ёшларни замонавий технологиялар асосида чуқурлаштирилган билимга эга бўлиши учун кенг қамровли имкониятлар яратиш, ўз истеъдодини рўёбга чиқаришларига қаратилган шарт-шароитларни таъминлаш тизими самарали ишламоқда. Жумладан,

«Ёшларга оид давлат сиёсати» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган «Ҳаракатлар стратегияси» доирасида олиб борилаётган ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон ёшларини мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш даражаси 2017 йилга нисбатан 27 фоиздан 65 фоизга оширилди. Айниқса, 6 ёшгача бўлган болаларнинг 82 фоизини мактабгача таълимга қамраб олиниши давлат бош ислохотчилигида олиб борилаётган ишлар бардавомлигини кўрсатмоқда. Эришилган натижалар билан кифояланиб қолмасдан 2023 йилгача болаларни мактабгача таълим даргоҳларига қамраб олиш даражасини 75 фоизга, 2025 йилга бориб 100 фоизга чиқариш устида амалий ишлар қилинаётгани алоҳида эътирофга лойиқдир.

2017 йилдан эътиборан мамлакатимизда тўлиқ 9+3=12 йиллик таълим тизимидан 11 йиллик ўқитишга ўтилиши натижасида жамиятда кундан кун чуқур илдиз отиб бораётган кўплаб ижтимоий муаммоларнинг қамаишига олиб келинди.

**11 йиллик таълимнинг қайта тикланиши натижасида республикада жами воёга етмаганлар ўртасида содир этилган жиноятчиликнинг козф-фициенти 2,5 баробар қамади.**

Ихтисослаштирилган мактаблар сони оширилиши – жаҳон олимпиада совриндорлари орасида Ўзбекистон ёшлари ўрнини сезиларли даражада кўтарилишига туртки бўлди. Масалан, охириги бир ярим йилда иқтидорли ўқувчиларни халқаро олимпиадаларда 4 та олтин, 18 та кумуш, 30 та бронза медалини қўлга киритгани ҳар биримизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади.

Кейинги беш йил ичида олий таълим ривожига ҳам қатта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Айниқса, мактаб битирувчиларини олий таълимга қамраб олиш даражаси 2016 йилга нисбатан олганда 2,5 бараварга оширилиши мамлакатимиз ёшларининг илм олиш йўлидаги ҳаракатларида янада самарали ютуқларни қўлга киритиши учун замин бўлмоқда.

Қисқача айтганда, юртимизда ёшларнинг илм олиши учун яратилаётган имкониятлар «Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай» мазмунидаги ҳаётий ҳақиқатни юзага чиқишида асос бўлмоқда.

**Улуғбек ЯЗДОНОВ,**

*Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали кафедра мудири, фалсафа фанлар доктори*

« Тунги соат икки-учлар ораси. Шаррос куйиб турган ёмғир остида тракторини зўрга эплаб келаётган ҳайдовчи хира чироқ ёруғида ўзи томон ҳаракатланаётган бир нимани кўриб ажабланди...

Қандайдир улов устида бир қора нарса омонат чайкалиб келар, бошдан оёқ ивиб кетган эди. Аввалига тракторчи йўлимда жин-пин учрадим деб кўрди. Син солганида унинг одам эканини билиб, ҳайратдан ёқа ушлади. Ҳа, таниди. Бу кишлоқ дўхтири Шухрат Набиев эди. Совуқ куз ёмғири остида, ярим кечаси, кишлоқнинг нариги чеккасида яшайдиган беморни кўриб қайтаётган экан...

Кейин тракторчи бу воқеани анчагача кишлоқдошларига сўзлаб юрди. Биров Шухрат дўхтирни мақтади: «Барака топ-гур қай вақт чақирмагин велосепедига миниб учиб келади. Жони соғ бўлсин!» Бошқаси зимдан яниб қўйди: «Жонини жон демайди-да». Учинчи одам иддао қилди: «Кошки кадрили билишса...»

Кишлоқдошлари орасида Шухрат дўхтир деб чақириладиган Шухрат Набиев ота-боболари асли майманоклик бўлса ҳам (олдинги Ульянов, ҳозирги Касби туманига қарашли кишлоқ), бир пайтлар тақдир тақазоси, замоннинг зайли билан кўчирма хўжалик қилиб Тожикистонга жўнатилган. Шухрат дўхтир Тожикистоннинг Регар деган жойида туғилган. Тўртинчи синфгача ўша ерда ўқиган. Замонлар тинчиб, ота-онаси Майманокқа қайтиб келишганида Шухрат ўн бир ёшда эди. Ўнинчи синфгача кишлоқдаги ўрта мактабда ўқиди. Тожикистон мактабидан ўқув захирасини яхши олганиданми, бу ерда ҳам аълочилар сафида эди. Мактаб ўқитувчилари бу босик, фаросатли, билимдон ўқувчининг тенгдошларидан ажралиб туришини дарҳол пайқашган. «Отасига тортибди, олма тагига олма, беҳи тагига беҳи тушади-да», деб қўйишган. Чунки Шухрат адабиёт ўқитувчиси Рашид Набиевнинг ўғли эди.

1979 йили у ўрта мактабни тугатди. Андижон давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди. Андижон шаҳридаги бир хонадонда ижарада туриб ўқий бошлади. Андижонликлар бағрикенг халқ эмасми, жуссаси унча катта бўлмаган бу йигитчадаги одоб-ахлоқ, тўғрилиқ, қатъиятчи кўриб ўғилларидек ёқтириб қолишди. Қўлига ўғиллари учун қурилган янги «чек» (участка) калитини тутқазиб, «Ўз уйингиздек яшайверинг, ижара пулини ўйламанг», дейишди. Албатта, ота тарбиясини

олган Шухрат бундай меҳрибонликни суистеъмол қилгани йўқ. Участқадаги ҳамма ишни ўз зимасига олди. Ҳовлини гуллатди. Дарахтлар экти. Чиннидек тоза ва чарагон тутди. Бунга сайин ҳовли эгаларининг унга бўлган ҳурмати янада ошди. Ота-ўғил, она-боладек бўлиб кетишди. Шухрат дўхтир ҳалиям улардан қўл узгани йўқ.

Институтда ҳам тиришиб, чидам билан ўқиди. Устозлар назарига тушди. Андижонлик профессор ундаги истеъдод ва



## ҚИШЛОҚ ДЎХТИРИ

ҳаракатчанликни кўриб институтда олиб қолмоқчи бўлди. Ординатурага тавсия этди. Диссертация мавзуси берди...

Аммо тақдир йўриғи бошқача экан.

**Ёш тадқиқотчи кишлоқдан нохуш хабар олди. Отаси ўлим тўшагидея ётган эмиш.**

Бўлажак олим бир сония ҳам ўйлаб ўтирмади. Кишлоққа қайтишга қарор қилди. Зотан, ота рози – Худо рози. На илм, на ёркин келажак ота ризолигидан устун эмас.

Шухрат дўхтир дастлаб Косон тумани марказий касалхонасида тўрт йилча ишлади. Дўсту душманнинг ичида «яхши терапевт» деган ном чиқарди. Беморларга беминнат яхшилик қилди. Ҳурмат-этибор қозонди. Топиш-тутиши яхши эди. Отасиз қолган етим укаларининг бошини силади. Уй-жой, уйлантириш деганларидек... Топганига Худо барака берди. Дўхтирлик маоши билан отасидан қолган катта оилани эплади. Кишлоқда янги поликлиника очилиб, бир яқин касбдоши уни ишга таклиф қилди. «Шу кишлоқнинг тузини едим, энди врач бўлиб ёрдамим тегмаса, қандай одам бўлдим», деган андиша билан катта маош ва обрў-этибордан воз кечиб кишлоққа қайтди. Кундузи поликлиникада, кечалари уйда ёки хонадонма-хонадон юриб халқни даволади.

Шухрат дўхтирнинг аксар мижозлари қари-қартанг, ўтиш даврида қашшоқлашиб қолган одамлар эди. Бунинг сабаби: юриб поликлиникага бора олмайдиган қариялар уни бемалол уйларида чақирар, Шухрат дўхтир укол-дориларини велосипедига юклаб қай вақт бўлмасин етиб борар эди. Чўнтагининг мазаси йўқлар эса, уйига оғриқ билан келиб, жонлари ором олиб қайтишарди. Унинг уйда кишлоқ кишилари учун зарур бўлган ҳамма дори-дармон тайёр турарди. Келган одам сира ҳам норизо бўлиб кетмас,

*Шифокор совуқ куз ёмғири остида, ярим кечаси, кишлоқнинг нариги чеккасида яшайдиган беморни кўриб қайтаётган экан...*

соғайгач Шухрат дўхтирнинг нафси ўликлари, пулнинг бетига қарамаслигини узо-оқ гапириб юришарди.

2016 йилдан кейин Президентимиз кишлоқ поликлиникаларидаги ахволнинг ёмонлиги ҳақида кўп жон куйдирди. Чекка жойларда тиббий хизмат сифатини ошириш, шарт-шароитини яхшилаш тўғрисида жиддий ишлар олиб борди. Натижада қулаш ҳолига келган касалхоналар қайта тикланди. Хизматлар яхшиланди. Бунга қадар ўтиш даври қийинчиликларидан эзилган халқ фақат

шу Шухрат дўхтирга ўхшаган фидойилар шарофати билан яшаб келишди...

Эл дуоси элга деганларидек, Шухрат дўхтирнинг фарзандлари яхши жойларга ўқишга киришди. Ота-онасини эъзозлаб, етти қават кўрпача устига ўтказмоқчи бўлишди. Аммо эл хизматига ўрганган Шухрат дўхтир ўша эски велосипедини ташламади. Одамларни даволашини қўймади. Эндиликда ўзини ўнглай бошлаган эл Шухрат дўхтирнинг хизматларини эсдан чиқармади. Ким шахсий тракторида ерини ҳайдаб берди. Яна кимдир бир тележка беда, бошқаси қовун-тарвуз олиб келиб дўхтирнинг ҳовлисига тўкиб кетди. Бошқалар тўй-маъракада тўрга чиқарди, миннатдор бўлиб устига тўн ёпди...

Шухрат дўхтир бугун олтимиш ёшда. Ҳали-ҳамон унинг уйига дардига дармон истаб келувчилар кўп. Аммо узоқ йиллик меҳнат, қор-қиров, ёғин-сочин демай юрилган йўллар ўз таъсирини ўтказди. Шухрат дўхтир буйрак билан боғлиқ оғир касалликка чалиниб қолди. Ҳозир ҳафтада икки бор диалез (қонни сунъий йўл билан тазалаш) муолажасини олиб яшаб юрибди. Нефрологлар билан маслаҳатлашса, бу касалликнинг давоси йўқлиги, биргина йўли шу диалез эканини айтишди. Интернет манбаларидан буйрак бўйича замонавий илмларни жиддий ўрганиб чиққан Шухрат дўхтир бу дардан халос бўлиш кийинлиги, сунъий ёки табиий буйрак қўйдиришдан ҳам ҳеч бир

у м и д йўқлигини билди. Шунда ҳам руҳан тушгани йўқ. Диалез олган кунларидаги ҳолсизликларни айтмаса, ўзини тетик, бардам тутиб юради. Адашиб келиб қолган беморларига мен касалман демайди. Қўлидан келган ёрдамни аямайди.

Шухрат дўхтир чин маънода кишлоқ дўхтири. У бир ақидага суяниб яшамокда – яхшилик қил, дарёга сол. Балиқ билар, балиқ билмас Холик билар. Зотан, Шухрат дўхтир эл дуосини кўп олган. Буюк шоиримиз Абдулла Орипов айтганидек, «Эл қўлласса, азизим, омон бўлсак ажабмас, Қўлламаса ранг-рўйи сомон бўлсак ажабмас...» Шухрат дўхтир эл яхши кўради, доим дуо қилади. Эл яхши кўрган одамни эса Яратган ҳам суяди ва ҳеч қачон ўз ҳолига ташлаб қўймайди.

Узоқ ЖўРАҚУЛОВ

КИТОБ БУ — МЎЪЖИЗА

## «БОЛАЛИГИМ» — КАТТА ИЖОДНИНГ КАЛИТИ


« Ҳар бир одамнинг хурсанд бўлганида ёки хафа бўлиб сиқилганида яхши кўриб, мутолаа қиладиган бир асари, ҳикояти, ибратли ривоятлари бўлади. Юқори савияда ёзилган, киши қалбидаги орзу-истаклари сари ўз ғоялари ордидан етаклайдиган асарлар ҳамма замону маконда севиб ўқилади.

Ана шундай асарлар ёзиб, ўз халқини дунёга танитган, жаҳон адабиётига асарлари билан бекиёс ҳисса қўшган қардош қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг ёзган ҳар бир асари мен учун қадри ва сеvimлидир.

Йиллар мобайнида ушбу улуғ ёзувчининг ижод намуналаридан миллионлаб инсонлар баҳраманд бўлиб келмоқда. Чингиз Айтматов қаламига мансуб «Болалигим» киссаси мен ёқтириб, такрор-такрор ўқийдиган асаримдир.

Ушбу кисса келажакда ёзиладиган бир қанча асарларнинг туб маъносини англашда ва

ҳис этишда бир очкич, муаллиф ижодининг калити ҳисобланади. Қиссада адиб қирғиз халқининг ўзига хос урф-одатлари, удумлари, яшаш тарзи, инсонлари ва уларнинг табиат билан узвий боғланишларини маҳорат билан акс эттирган. Фожиали болалик даври, отасининг қатағон қилиниши, очарчилик, уруш давларидаги йўқчилик каби ҳолатларнинг барчасини ўз бошидан ўтказиб қаламга олгани сабабли асар анча жонли ва таъсирли чиққан. Шунча қийинчиликларга қарамасдан муаллиф болалигининг тотли кунларини овулда, катта энаси



ва қавм-қариндошларининг меҳр-муҳаббатига йўғрилган ҳолда ўтказди. Катта энасининг хат-саводи бўлмас-да, туғма ақл-зако соҳиб бўлгани, халқ дostonлари, термалар,

ўланлар, ривоят эртақларни узун кечаларда айтиб бериши балки бўлғуси адибнинг қалбида адабиётга нисбатан меҳр уйғотгандир.

Асарнинг мени энг кўп ҳаяжонга солган жойи овулдагилар қўй-йилқиларни хашак мўл жойга кўчириши билан боғлиқ воқеадир. Довондан ошиб ўтиш олдидан каттаю кичик, ёшу қари гулхан атрофига тўпланиб, термалар айтишларию дуолар ўқишларидир. Яратганга шукрона келтириб,

бола-чақамиз, мол-ҳолимиз билан тўрт кўз тугаллигини, бағри бутунлигини сўрашлари, эзгу тилаклар қилишлари бўлган. Балки қирғиз халқи ва биз ўзбек халқининг урф-одатларимиз, қиладиган дуоларимиз бир-бирига ўхшаб кетгани учун ҳам бу бизга каттиқроқ таъсир қилар. Лекин асарнинг тағмаъноларида яна бир довондан ошишга чоғланган инсон қисмати, руҳияти ҳам чиройли очиб берилган. Довон ошиш рамзий маънога ҳам эга. Турмушнинг, ҳаётнинг бир палласидан бошқа бир маромига ўтиш олдидан бир нафас ўзни сарҳисоб қилишга менгзайди. Ортда қолган ишларга бир қур назар солиш, ўзни тафтиш этиш, олдиндаги мавҳум ҳаётни кўз олдига келтириш, орадаги яхши-ёмон ишлар учун бир-бировдан, Яратгандан узр тилаш... Бу тасвир асарнинг энг авж нуктаси бўлса, ажаб эмас...

Муаллиф ҳаётидаги, характеридаги, қисматидаги кўплаб нуқталар, асарларидаги айрим қарашлар ана шу болаликда ва ўсмирликда олган таълим-тарбиясига туташади. Қиссани такрор-такрор ўқир эканман, муаллифнинг оғир шароитда яшаб хат ташувчи, солиқчи бўлиб ишлагани, ҳар куни турли фожиаларни ўз кўзи билан кўришга, қора хат келганларнинг бахтиқаролиги изтиробини бирга тортишга мажбур бўлгани мени ҳам ларзага солади. Ёзувчилик сабаб укаси иккаласи пойабзалини авайлаб, совуқда сойни ялангоёқ кечиб ўтиши ўша машъум йиллар захмини ҳаёлда гавдалантиради. Назаримда, муаллифнинг ана шундай азобларни бошдан кечириб, улардан омон қолиб, улкан ёзувчи бўлиб етишиши ҳар бир ўқувчи учун энг аҳамиятли жиҳат бўла олади.

Насиба ИСКАНОВА

# ҚУЛАЙ ВА ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗ ТРАНСПОРТ

Сиз ёшлигингизда велосипеднинг  
бўлишини орзу қилганмисиз?



Шу йиллар давомида велосипед ҳайдашнинг тиббий ва иқтисодий фойдаларини танамда яхшигина ҳис қилдим. 2-3 дўстларимни ҳам велофаолиятга даъват қилиб, улов олишга ундадим.

Болалигида ўз велосипеда бўлишни орзу қилмаган ўғил бола бўлмаса керак. Айниқса, уч гилдиракдан икки гилдиракка ўтиш жараёнлари анча ҳаяжонли ва унутилмас бўлади. Икки гилдиракли велосипедда учинчи қўшнимизнинг велосипедида ўрганганман. Бир неча марта йиқилиб, тирсак, тиззаларим шилингани ҳамон эсимда.

90-йиллардаги йўқчилик барча оилаларга таъсир қилган. Вазиятни кўриб, дадамга «велосипед олиб беринг» дея олмасдим. Ҳар-ҳар замонда қўшнилари ва танишларнинг велосипедини ҳайдаб турардим. Тўққизинчи синфда ўқиётганимда бир кун мактабдан келсам, уйда «Урал» велосипеда турибди. Дадам «Бу сенга! Гимназияга шунда қатнайверасан» дедилар. Бир киши қарзи ҳисобидан шунга берган экан. Жуда хурсанд бўлдим. Унгача уч чақирим масофадаги гимназияга, сўнг унданда узокроқ тил ўрганишга пиёда қатнардим.

«Урал»им жуда эски бўлиб, деярли ҳар кун бузиларди. Қўшнимиз велосипед тузатувчи уста бўлгани учун ҳар гал унга олиб чиқиб, созлатарканман, кўриб, ўзим ҳам ўрганиб олдим. Дардан келиб, велосипедни ағдариб, нимасинидир тузатардим. Раҳматли бобом

«фаолиятни бошладингми?» дердилар.

Синфдошларим велосипедимга «Танк» деб ном беришганди. Сабаби велосипед рамаси уч марта синиб, сварка қилингани учун семирган ва қийшайганди. Камера ўрнига қаттиқ шланг қўйилган эди. Велосипедим жуда оғир бўлса-да, ҳарна корга ярарди.

Синфдошим Бехзод ҳам велосипедга меҳр қўйганди. Янги «Урал»ни ўша пайтлар урф бўлган Daewoo машиналари рангига септириб, қўшимча жиҳозлар ўрнатиб, биринчи кун мактабга миниб келди. Ҳали кулф олманган экан. Меники билан қўшиб бойлаб қўйдик. Иккинчи соатдан сўнг ҳовлига чиқиб қарасак, иккала велосипед ҳам йўқ. Ўғирлашибди. Атрофни қарадик. Изи топилмади. Бу менга унчалик таъсир қилмади-ю, Бехзод анча куйинди. Ўтириб озроқ кўз ёш ҳам қилди. Алам

қилади-да! Қанча харажат, қанча меҳр билан велосипедни биринчи марта миниб келсангу, ўғирлаб кетишса.

Велосипедсиз уйга қайтдим. Дадам сўрагандилар, бўлган воқеани айтдим. «Яхши бўпти. Қутулибмиз. Энди ўқишга кўпроқ вақтинг бўлади», дедилар. Шундай бўлса-да, велосипедни топиш умидида яна икки ҳафта бозорларга чиқдим. Табиийки, натижа бўлмади.

\*\*\*

Ўз маблағимга илк велосипедни 2013 йили харид қилганман. Ўшанда кўп танишларим Тошкентда автомобиллар кўплиги, ҳайдовчиларнинг велосипедчилар юришига парво қилмаслиги вазидан фикримдан қайтармоқчи бўлишди. Лекин ўшандан бери барча ишларимни велосипед билан битирадиган бўлдим. Ишга, бозорга, ҳатто саёҳатларга боришда ҳам велосипеддан мунтазам фойдаландим.

«XDS» тоғ велосипедим жуда чидамли ва баракали чикди. У билан неча марта тоғ сафарларида бўлдим. Кунлик энг кўп юрган масофам 170 км. бўлди. Максимум тезлигим 50 км/соатдан ошди. Шу велосипедда 2019 йили халқаро веломарафонда иштирок этдим. Марафонда ўзимга ва велосипедимга нисбатан коникиш ҳосил бўлмади. Ёнимдан бошқа велосипедлар учиб ўтиб кета бошлади.

Ўзбекистон велосипедчилар онлайн ҳамжамиятидаги йигитлар билан маслаҳатлашиб, анча энгил ва тезкор бўлган спорт (*шоссе*) велосипедига ўтишга қарор қилдим. Эски велосипедимни эса ўғлимга бердим.

Шоссе велосипеда менинг қарашларимни ўзгартирди. Янада узок манзилларга етаклади. Узоғимни энгил қилди.

Саккиз йилдан бери кундалик ишлар учун мунтазам велосипед ҳайдайман. Ора-сирада узокроқ масофаларга велосифарга чиқаман.

Сўнгги йилларда шаҳарда автомобиллар ҳаддан зиёд кўпайгани, тигиз вақтларда йўллардаги тирбандликлар, метрода ишга кетар ва қайтар пайтдаги қатта тирбандликни кўриб, буёғига велосипеддан яхшироқ транспорт бўлмаса керак деган фикрим яна қатъийлашди.

Бизда ҳам шаҳар ичида ва ташқарисида алоҳида сифатли велотреклар очилиб, вело-йўналишлар ташкил этилса, ҳам ички сайёҳликка, ҳам ташқи туризмга фойдали бўларди.

Ёшлигингизни эслаш учун ҳам баъзида велосипед ҳайдаб туринг. Саҳар пайти йўлга чиқинг. Юринг. Хузурланинг. 2-3 марта мазасини билсангиз, сиз ҳам ўрганиб қоласиз.

Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

## САНЪАТКОРЛАР БИР КУНИ...

### ЎЗБЕКЧА ИКРА

Ўзбекистон халқ артисти Амин Турдиев гарчанд кинода кўп роль ўйнамаган бўлса-да, аммо ижро этганлари муҳлис қалбида муҳрланган. Фақатгина унинг сиймосини «Стадионда учрашамиз» бадиий фильмидаги раис, «Бой ила хизматчи»даги Қодирқул, «Фурқат» фильмидаги Бек ролларида, яна театрдаги бир қанча образлардагина кўриш мумкин.



У ўзига ишониб топширилган ролни бор меҳрини қўшиб, қойиллатиб ўйнаган. Мухлислари кўп бўлган. Сиртдан қараганда Амин Турдиев, серсавлат ва жиддий киши бўлиб кўринарди. Бироқ бу инсон ҳаётда ҳозиржавоб, тили бурро, ўта ҳазилкаш бўлган экан. Бунини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирсоат Усмоновнинг ўғли, раҳматли устозим Эркин Усмонов хикоя қилиб берган бу ҳангомадан ҳам билиб олса бўлади.

Оиласи билан у киши қайсидир бир йили Кавказдаги машҳур сиҳатгоҳда дам олаётган экан. Бир куни эр-хотин юртини соғиниб, мошкичири пиширишади. Уни товоққа сузиб келиб, маза қилиб туширишади. Шу маҳал уч-тўртга кавказлик санъаткорлар меҳмон бўлиб келишади. Овқатни ўртага тортайлик дейишса – оз, барчага етказиб бўлмайди. Хотинини роса боши қотади. Шунда Амин Турдиев юзага келган ноқулай вазиятдан чиқиб кетишнинг антиқа йўлини топади. У ўзига хос эпчиллик билан бўлка нонни чиройли қилиб



кесади. Сўнгра ноннинг устига чиройли қилиб мошкичиридан суртиб, лаганга яхшилаб териб чиқади. Лагандаги нон бўлақларини еб кўрган меҳмонлар, Амин Турдиевдан кизиқиб бу қандай таом ўзи деб сўрайди. Шунда Амин оға қувноклик билан «ўзбекча икра» деб таомни зўр бериб мақтай кетади.

Ҳақиқатдан ҳам, меҳмонларга таом манзур келиб, мезбонга миннатдорлик изҳор этади. Шу-шу санъаткорлар ўртасида «Амин Турдиевнинг ўзбекча икриси» деган сўз анча-мунча машҳур бўлиб кетади. Қаранг, ўшанда эл сўйган санъаткор вазиятдан эсон-омон чиқиб кетишнинг уйдасидан бошлаб чиқа олган экан.



«Санъаткор халқининг табиати, феъли турлича-да», – дея Ўзбекистон халқ артисти Фани Аъзамов ҳақидаги олис хотираларини эсга олганди устоз ёзувчи, марҳум Эркин Усмонов бир гурунгда...

### ФАНИ ОТАНИ МАФТУН ЭТГАН ЖОНОНЛАР



Қайсидир бир йили «Қалтис ҳазил» комедиясидаги Мамарасул, «Чин муҳаббат»даги Арслоншер, «Тоға-жиянлар»даги Соқи сумбат, «Ревизор»даги Бобчинский, «Тобутдан товуш»даги Юсуф, «Олтин девор» комедиясидаги Уста Мўмин сингари кўплаб ролларни маҳорат билан ижро этган, Ўзбекистон халқ артисти Фани Аъзамов таваллудининг тўқсон йиллиги муносабати билан ҳужжатли фильм олинди деган бўлди. Ўша кезлари Эркин ака «Ўзбекфильм»да «кетмон чопарди». Фильм сценарийсини ёзишни режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Саидботир Аҳмадхўжаев Эркин Усмонов зиммасига юклайди. Шу муносабат билан Эркин ака Фани Аъзамовнинг хонадонидан бир неча маротаба бўлишига тўғри келади. Уйга борган заҳоти Эркин ака эшик кўнғироғини босар, қаттиқ тақиллатарди. Қани энди Фани отадан дарак бўлса. Ниҳоят орадан маълум бир вақт ўтгач у кишининг овози эшитиларди.

– Ким?..

– Мен, Эркинман!..

– Қайси Эркин? – сўрарди у киши.

– Студиядан келганман, эшикни очсангиз танийсиз, – дерди Эркин ака борган сари хуноб бўлиб.

– Нима ишингиз бор? – дерди Фани ота баттар эзмаланиб.

– Сиз тўғрингизда кино оляпмиз-ку. Айнан шу масалада келгандим, – дерди Эркин ака.

– Қанақа кино? – эринмасдан сўрарди яна Фани ота.

– Чиройли, келишган жононлар билан усти очик извошда ўтириб суратга олинди деган кино-да, – дерди Эркин ака қувлик билан. Ана шундан кейингина тўқсон билан тўқнашган, анча қартайиб, инжиқланиб қолган Фани ота эшик зулфини тушириб, дарвозани очиб юборарди. Кейин Эркин Усмонов билса, Фани ота «жононлар» сўзини эшитганидан кейин, кўзлари бир чақнаб кетган экан.

Улуғбек ЖУМАЕВ

## Бири – ой, бири – қуёш

Бир киши ота билан онанинг фарқини шундай тушунтирган экан:

– Сени ўз жисмида пайдо бўлганингни сезишидан бошлаб севадиган зот – она! Ҳали пайдо бўлмасингдан олдин орзу билан сени севадиган зот – ота!

Она ўз ҳаётини тикиб сени дунёга тақдим қилади, ота ўз бахти эвазига сенга дунёни тақдим қилади.

Она сенга ҳаёт совға қилади, Ота сенга бу ҳаётда қандай яшаш илмини совға қилади.

Она сени тўққиз ой қорнида кўтариб юради, ота сени бир умр елкасида кўтариб юради.

Она сени туғишда тўлғоқ ўтказди, ота туғилганингдан ке-



йин сен учун доим «тўлғоқ»да бўлади.

Она – касал бўлсанг йиғлайди, ота – йиғласанг, касал бўлади.

Она сенинг оч қолишингдан ташвиш қилади, ота сенга қандай оч қолмасликни ўргатади.

Она айбингни беркитиб, сенадан масъулиятни ўз зиммасига олади, ота сени назорат қилиб, қалбингга масъулият уруғларини экади.

Она йиқилмаслигинг ташвишида бўлади, ота йиқилганингда қандай туришингни ўргатади.

Онани она бўлгач тушунасан, отани ота бўлганингда танийсан.

Она – ўрнини тўлдириб бўлмайдиган бебаҳо хилқат, ота – замон ўтиши билан такрорланмайдиган ҳайбат!

Аллоҳим! Ота-онам мени гўдаклигимда меҳр ила тарбия қилганидек, Сен ҳам уларга раҳмат назаринг ила таважжух қил!

## ТОЗАЛИК ҚАЛБДАН БОШЛАНАДИ



Ҳолливуд фильмлари ур-сур, қўйди-чиқдиси билан киши эътиборини ўзига тортади. Лекин, санъат санъат-да, ора-сира у ерда ҳам чиройли, ибратли саҳналар кўзга ташланиб қолади.



Бир қизча денгиз қочган пайти соҳилга чиқиб қолган балиқларни сувга улоқтираётган оқсоқолни кўриб, «Мунча куйиб пишмасангиз, ахир, бу – бемаънилик, улар учун ҳаёт тугади-ку, ҳаммасини сақлаб қололмайсиз», деганда, у дошишанд айтиди:

«Ҳа, ҳаммасини сақлаб қола олмайман. Лекин мен сақлаб қолган балиқлар учун ҳаёт маъноси ҳали тугаганича йўқ».

Ҳиндистонлик Афроз Шох исмли саховатли инсон Мум-

байдаги (бизнинг тушунимиз бўйича Бомбей) Митхи дарёси ифлосланиб кетганидан шунчалик қаттиқ ўкинадики, бир ўзи, ҳеч кимга айтмасдан, уни тозалашга тушади. Шу қарордан бир йил ўтганидан кейин у 18,8 километрлик дарёни «қўлидан келганча» тозалашга эришади.

Бу гўзал тадбири учун у 2016 йилда БМТнинг «Ер чемпиони» унвонига сазовор бўлган.

### БИЛАСИЗМИ?

Сапсан — бургутлар оиласига кирувчи йиртқич қуш. Дунёда уларнинг 17 та тури мавжуд. Сапсан — дунёдаги энг тезкор қуш. У соатига 322 километргача тезликда уча олади.



## САПСАН

Ўзбекистонга сапсан қишлоқ учун куз ойларида келади. Асосан пасттексисликларда яшайди. Баланд бинолар, жарликларга уя қуради. Икки ёшида вояга етиб, жуфти билан умрининг охиригача яшайди. Асосан тухумни апрель охири-май бошларида бир марта қўяди. Майда, сувда ва сув бўйларида яшовчи қушлар билан озиқланади.

Сапсан Халқаро Қизил китобга киритилгани боис уни овлаш, уйда боқиш, сотиш тақиқланган.

## Ҳаётни майдаламанг!

► Кўпчилик ўта майда ҳаёт кечиради. Қанчадан-қанча одамлар йигирма ёшда вафот этадилар, фақат уларни саксон ёшида дафн этишади.

► Ёдда тутинг, агар инсоннинг ўзи тўхташни истамаса, уни тўхтатиб бўлмайди.

► Одамларнинг кўпчилиги ҳақиқий муваффақиятсизликларга учрамаган. Улар шунчаки муваффақиятга эришишга ҳаракат ҳам қилишмайди.

► Орзуларингизни амалга оширишга имкон бермайдиган кўплаб тўсиқларни ўз йўлингизда ўзингиз ўрнатасиз.

► Арзимаган нарс ҳақидаги фикрлар кишининг отиб юборинг, жасоратли бўлинг ва ранг-баранглик учуноқ буюк ишлар ҳақида орзу қилинг, «омадсизлик – мен учун эмас», деб ҳисобланг.

► Сенека айтганидек, «Муаммо бирон ниманинг мураккаблигида эмас, у биз журъат этмаганимиз учун мураккабдир».

### ИНТЕЛЛЕКТ

## Нега шундай?

Биламизки, қизил ранг асосан тақиқ рамзи сифатида тушунилади. Дафтар четидаги қизил чизик, йўлчиноқнинг қизил ранги, футбол ўйинидаги қизил карточка каби рамзларда айна шу тақиқ маъносини кўради.



Аммо инглиз автобусларини айнан қизил рангга ишлаб чиқаришни маъқул кўришган.

**Диққат савол:** мазкур автобуслар учун нега айнан қизил ранг танланган?

**Жавобларни қуйидаги манзилга жўнатинг:**

**E-mail: info@od-press.uz Telegram: (+998 97) 444-80-84**

### ПАЗАНДАЛИК

## Шифобахш салат

Витаминли салат – бу масаллиқлари доимо қўл остингизда бўлган, тайёрлашга бор йўғи ўн дақиқа вақтингиз кетадиган мазали салат. Унинг ёрқин ва иштахани очадиган кўриниши тушлик ва кечки овқатни янада кўркем қилади.

Бу салатни гўшт ва балиққа газак сифатида ҳам дастурхонга тортиш мумкин. Қоматига эътиборлилар учун айна муддао.

**Керакли масаллиқлар:** 0,5 бош қизил қарам, 2 дона бодринг, 1 дона помидор, 0,5 бош қизил пиёз, ярим боғ шивит, бир дона лимоннинг шарбати, 1-2 та саримсоқ, 2-3 ош қошиқ зайтун мойи, таъбга қараб туз ва янчилган қора мурч, ярим чой қошиқ шакар.

**Тайёрланиши:** қарамни юпка тўғраймиз ва туз билан шакарни солаемиз. Катта идишга солиб, қўлда яхшилаб аралаштирамиз. Помидор ва бодрингни юпка айлана шаклда тўғраймиз. Пиёзни ярим халқа шаклида тўғраймиз. Са-



римсоқ ва шивитни майда тўғраймиз ва қолган сабзавотлар устидан солиб, аралаштирамиз.

Мурч ва туз, зайтун мойи солаемиз ва лимон шарбатидан сепаемиз. Ликопчага солиб, дастурхонга тортаемиз.

Ёқимли иштаҳа!

### МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;  
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;  
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;  
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;  
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;  
Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.  
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.  
«Шарк» нашриёт-мағбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

### Бош мухаррир

Ҳусниддин  
БЕРДИЕВ

### Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.

Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета тахририят компютерида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма: Г-727  
ISSN 2181-6190  
Обуна индекси — 193  
Алади: 21 355 нусха.

Нархи: келишув асосида.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 3 босма табак.  
Офсет усулида босилган.

Чоп этишга топширилди: 20:00

ISSN 2181-6190



123456